ШУДГОР—МЎЛ ҲОСИЛ ГАРОВИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

46-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 284 (12.938).
9 ДЕКАБРЬ 1964 ЙИЛ ЧОРШАНБА
Баҳоси 2 тийин.

ХУШХАБАРЛАР

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРРАНДАЧИЛАРИНИНГ ҒАЛАБАСИ ⊙ МИРЗАЧЎЛНИ ЎЗЛАШТИРУВЧИЛАР УЧУН ⊙ ТРАКТОР ЙИҒУВ ЗАВОДИ ИШЧИЛАРИНИНГ ҲИММАТИ ⊙ ПЛАНГА ҚЎШИМЧА МАҲСУЛОТЛАР.

Тошкент области колхоз ва совхозларининг паррандачилари яхши меҳнат қилиб, давлатга тухум со. тиш йиллик планини муддатидан илгари адо этдилар. 20041 минг дона — ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3700 минг дона кўп тухум топширилди. Калинин район. ни хўжаликларининг меҳнаткашлари область йиллик планининг қарийб ярмини — 9510 минг дона тухум бердилар. Оққўрғонликлар, бекободликлар, Тошкент ва Қорасув паррандачилик фабрикаларининг коллективлари йиллик топ. ширияни анча ошириб бажардилар. Область совхозлари давлатга тухум топшириш йиллик планини 109,4 процент адо этдилар.

Область чорвадорлари давлатга жун сотиш йиллик планини муддатидан илгари бажардилар. Давлат бундай қимматли маҳсулотдан 12115 центнер — ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 276 центнер кўп қабул қилди. Область совхозлари жун тайёрлаш йиллик топшириғини 135,5 процент бажардилар. (ЎзТАГ).

●

Мирзачўлни ўзлаштириш умумхалқ ишига айланиб кетди. Ватанимизнинг кўпгина шаҳарларидаги саноат корхоналари коллективлари бу ерларни хўжалик оборотига тезроқ киритиш учун муносиб ҳисса қўшаётирлар. Утган куни Рига полиэтилен буюмлар заводи Мирзачўлни ўзлаштирувчилар учун кўплаб қувурлар жўнатди. Корхона коллективи йил охиригача ана шундай қувурлардан яна бир неча минг метр тайёрлаб бериш учун мусобақани кучайтириб юборди.

●

Тошкент трактор йиғув заводининг меҳнатчашлари етти йилликнинг олтинчи йилини муваффақиятли якунламоқдалар. Корхона коллективи йил бошидан буён планга қўшимча 220 тадан ортиқ трактор йиғиб берди. Бунга заводдаги ҳар бир ишчининг резервлардан самарали фойдаланиш учун олиб бораётган кураши катта ёрдам бермоқда. Н. Жмаков, В. Валентинов, С. Асанов, М. Вайштейн ўртоқлар илгари алоҳида-алоҳида участкаларда ишлашарди. Улар ўзаро ҳамкорликда ишлашга аҳд қилиб, коммунист Н. Жмаков раҳбарлигида махсус бригада туздилар. Бригада аъзолари аввал ҳар сменада 20 тадан машинани қўлдан чиқарган бўлсалар, эндиликда 28-30 та машинани тайёрлашга эришмоқдалар.

●

Тошкентдаги «Юлдуз» тикувчилик фирмасининг 6-цех коллективи пахта байрами арафасида йиллик планни адо этди. Кейинги кунлар ичида эса планга қўшимча 6 минг сўмлик аёллар кўйлаги ва ўқувчилар формаси тикиб чиқарилди. Цехда М. Толипова, С. Ҳамидова, Л. Илюшина сингари тикувчилар намуна кўрсатиб меҳнат қилишаётир.

З. ЭРГАШЕВ.

●

Самарқанддаги қил-чўтка фабрикасининг қил-чўтка цехи коллективи ой сайин янгидан-янги ютуқларни қўлга киритмоқда. Улар йиллик планни муддатидан илгари бажариб қўйдилар. Утган давр ичида 600 минг сўмлик ранг-баранг чўткалар ишлаб чиқарилди. Биргина «Ташсельмаш» заводига пахта териш машиналари учун эса 230 минг дона қил-чўтка тайёрлаб берилди. Фабрика коллективи йил охиригача бир неча ўн минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришни мўлжалламоқда.

Г. КАРИМОВА.

БИНОКОРНИНГ ШАРАФЛИ БУРЧИ

Янги гигант саноат корхоналари, обн-равон оқаётган каналлар, шинам уй-жойлар — буларнинг ҳаммаси қурувчининг ақли ва қўли билан бунёдга келган, улар бинокорнинг нақд иши, унинг эл-юртга армуғонидир. Йил охирлаб қолди. Республикамиз қурилишларида ҳам ғалвирни сувдан кўтара диган фурсат келди. Расамади билан иш юритган қурилиш трестлари ва бошқармалари бирин-сирин янги объектларни қуриб битказмоқдалар. Янги объект деганимиз Фарғона азот ўғитлари заводи ва Навоий химия комбинатининг биринчи навбатлари, Чирчиқ электрохимия комбинати ва Самарқанд суперфосфат заводидаги янги цех ва ускуналар ҳамда бошқа ўнлаб катта-кичик завод-фабрикалар, меҳнаткашлар пойқадамига маҳтал бўлиб турган минг-минглаб дилимиздек ёруғ, бағримиздек кенг уй-жойлардир.

Уста — бинокорнинг меҳнати халқимиз орасида қадимдан ардоқли. Бинокор — уста доимо иш боши, тўй боши бўлиб келган. Шарофатли замонамизда қурувчининг қадр-қиммати ўн чандон ошди. Кунни кеча республикамиз бинокорларини КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети Фарғона азот ўғитлари заводининг биринчи навбати қуриб битказилгани ва электростанцияларда янги турбогенераторлар ишга тушгани билан қизғин табрикладилар. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Коммунистик партиясининг 40 йиллиги арафасида пешқадам қурувчилардан бир гуруҳи «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган бинокор» деган қутлуғ унвонга мушарраф бўлди. Бу — бинокор меҳнатига умумхалқ меҳр-муҳаббатининг яна бир тимсоли, шаҳар-қишлоқларимиз жамолини очаётган, экономикамиз қудратига-қудрат қўшаётган газаматларга халқ айтган тасанно ва офарин!

Илғор қурилиш ташкилотлари йил бўйи бир меъёрда ишлаб, яхши натижаларни қўлга киритмоқдалар. Фарғонадаги 8-трестнинг иккинчи қурилиш бошқармаси йиллик планни бажарган ҳақида рапорт берди. Бошқарма бинокорлари Марғилон, Фарғона, Қирғули шаҳарлари меҳнаткашларига нўриб кўз қувнайдиган, яшаб жон роҳат қиладиган кўркам уйлар қуришяпти. Шунингдек, Наманганда ги 10. трестнинг «Крупнопанельжильстрой» ва 16- қурилиш бошқармалари ҳам тез, соз ва арзон қуришда дуруст натижаларга эришмоқдалар.

«Алмаликсвинецстрой», Чирчиқдаги 160 ва Фарғонадаги 8- қурилиш трестлари саноат объектлари қуриш соҳасида, айниқса катта тажриба тўпладилар. Ана шу трест бинокорлари ва инженер-техник ходимларининг фидокорона меҳнати туфайли республикамизда нефть, рангли металлургия ва химия саноатининг гигант корхоналари ишга туширилди. Қурама тоғлари этагида ҳувиллаб ётган Олмалиқсой қишлоғи ўрнида, бий дала Қирғулида, Чирчиқ дарёси воҳасида саноат шаҳарлари бунёдга келдики, эндиликда бу шаҳарлар индустриямизнинг фахри, шаҳар қуришни соҳасидаги ютуқларимизнинг кўзгуси бўлиб қолди.

Бинокорларимиз муваффақиятларини мақтасак, таъриф-тавсиф эт. сак арзийдн. Аммо ҳали қурилиш ташкилотлари олдида катта вазифалар турибди. Уларни муваффақиятли бажариш учун камчиликларни бартараф этиш, 1964 йилга мўлжалланган қурилиш-монтаж ишлари топшириғини бажариш лозим. Ҳадемай янги йил келади. Аммо ишга туширилиши лозим бўлган корхоналар эса анчагина. Қурилиш бўйича республика территориал Бош бошқармасининг қурилиш ташкилотлари декабрь ойида 300 дан ортиқ объектни фойдаланишга топширишлари, 50 километр узунликдаги газ тармоғини бунёд этишлари, шунингдек 200 километр узунликда водопровод ва электр тармоқлари барпо этишлари лозим.

Йил охиригача Оҳангаронда икки йирик комбинатни ишга туширишни «Ўзбекшахтострой» тресги бинокорлари ўз зиммаларига олишган. Пластмассадан қурилиш материаллари ва буюмлари тайёрлаш комбинати ҳамда уй жиҳозлари комбинатида қурилиш ишлари асосан тамомланган бўлса ҳам, аммо ускуналарни монтаж қилиш ҳанузгача ниҳоясига етмаган. «Ўзэлектромонтаж», «Промвентиляция» ва «Ўзсантехмонтаж» каби монтаж ташкилотлари раҳбарлари ўз зиммаларидаги масъулиятни чуқур хис қилмаётганга ўхшайдилар. Акс ҳолда, бу комбинатларда монтаж ишлари жадаллашган, корхоналар дастлабки маҳсулотни ишлаб чиқарган бўлмасмиди! Фарғона азот ўғитлари заводида ҳам дефолиантлар цехи декабрь ойида ишга тушиши лозим. Дефолиантларнинг қишлоқ хўжалиги учун сув билан ҳаводек зарурлиги ҳаммага равшан. Пахтакорларимиз сифатли дефолиантларга мухтож эканликларини назарда тутсак, теримни механизациялаш кўп жиҳатдан дефолиантга, ундан оқилона фойдаланишга боғлиқлигини эътиборга олсак, янги цех экономикамиз учун нақадар зарурлиги равшан бўлиб қолади. Аммо танг қоладиган жойи шундаки, Халқ хўжалиги кенгаши, шунингдек унинг Химия саноати бош бошқармаси ана шу цехни ускуналар билан тўла-тўкис таъминламаган.

Йил охиригача «Узглавстрой» ташкилотлари шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларига 100 минг квадрат метр уй-жой қуриб туҳфа этишни мўлжаллаган. Аммо Нукус. даги 166 ва Урганчдаги 167-қурилиш трестлари уй-жой қуриш топшириқларини муттасил бажармай келмоқдалар. Бу трестларда қолоқликка барҳам бериш, давлат планларини бажариш учун барча имкониятлар бор. Ҳамма ган бинокорларни белгиланган планларни бажаришга сафарбар этишда, ҳамма имконишда ва резервлардан тўла фойдаланишда қолган.

«Узглавстрой» трестлари ва бошқармалари пахта саноати корхоналарини қуриш ва мавжудларини реконструкция қилишда ҳам суст-кашликка йўл қўймоқдалар. Пахта саноати корхоналари қурилиши бўйича 10 ойлик пудрат ишлари пла. ни бор-йўғи 49 процент бажарилди, холос. Қорақалпоғистон Автоном республикаси ва Сирдарё область ларида пахта саноати корхоналари қурилишида чидаб бўлмайдиган аҳвол юзага келди. Ана шу областларда ишлаётган қурилиш бошқармаларини малакали ишчи ва инженер-техник ходимлар билан таъминлаш муваффақият гаровн эканлигини унутмаслик керак. Ўрта Осиё Халқ хўжалиги кенгашининг Пахтачилик саноати бош бошқармаси ўз объектларига ускуна ва механизмларни, лойиҳа-смета ҳужжатларини белгиланган муддатларда етказиб бермсин.

Республикамиз меҳнаткашлари хўжалик йилини ҳамма соҳаларда улкан зафарлар билан якунламоқдалар. Ҳеч шубҳа йўқки, республикамиз бинокорлари ҳам йиллик қурилиш-монтаж ишлари топшириғини муваффақият билан бажарадилар.

НУКУС уйсозлик заводида Александра Белих билан Елена Белова ўртоқларни дугоналар дейишади. Улар ишда ва турмушда бир-бирларига ёрдам кўрсатишади. Ҳар икки дугона смена топшириқларини 120-130 процент бажариб, уйсозлар даврасида пешқадамлик. ни эгаллаб келмоқдалар. Суратда: икки дугона.

А. Тўраев фотоси.

ИШЛАР ҚИЗҒИН

СИРДАРЁ. Гулистон районидаги Крупская номли колхоз аъзолари келгуси йил мўл ҳосилга пухта замин яратмоқдалар. Шу мақсадда ҳозиргача 1400 гектар пахта майдонининг қарийб 600 гектари сифатли шудгор қилинди.

О. ТОҒАЕВ.

●

ХОРАЗМ. Ҳайитбой Жуматов, Қутлимурод Раҳимов ва Кенжа Еркулов ўртоқлар Гурлан районидаги Куйбишев номли колхознинг илғор механизаторларидан ҳисобланади. Уларнинг ҳар бири шудгорлаш топшириғини 1,5 баравар ошириб бажариб, бошқаларга намуна бўляпти.

К. ИБРОҲИМОВ.

●

БУХОРО. Вобкент районидаги Куйбишев номли колхозда кузги шудгорлаш қизғин тус олмоқда. Жаббор Каримов бошлиқ бригада аъзолари шудгорлашни тамомлаш арафасида турибдилар. Шунингдек, Жалил Тўлаев бошлиқ бригадада ҳам ер ҳайдаш жадал суръатлар билан олиб борилмоқда.

Н. ЗОКИРОВ.

●

ФАРҒОНА. Ленинград районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг кўпчилик бригадаларида дала ишлари конвейер усулида ташкил этилган. М. Хидиров, М. Имомов, Ш. Сатторов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ердан ғўзапоядан тозаланиб, пешма-пеш шудгор қилинмоқда.

М. МАМАЖОНОВ.

●

САМАРҚАНД. Низомжон Ҳасанов бошлиқ бригада Каттақўрғон районидаги Ленин номли колхозда пешқадам ҳисобланади. Йиллик планни муддатидан илгари бажарган бу бригада аъзолари ҳозир ҳосилнинг сўнгги граммларини йиғиштириб оляптилар, ерларни ғўзапоядан тозалаб, шудгорлаб қўймоқдалар.

У. ШАРОПОВ.

СУДРАЛИШГА АСОС ЙЎҚ

ҚУТЛУҒ ЙИЛ

Юбилей йилимиз қутлуғ келди. Пешана тери тўкиб ишлаган деҳқонининг меҳнати зое кетмади. Фарғона пахтакорлари она-Ватан хазинасига 491 минг тоннадан ортиқ «оқ олтин» тўкиб, социалистик мажбуриятларини анча ошириб адо этдилар. Областда ҳеч қачон шунча миқдорда пахта тайёрланмаган эди.

Хўш, бунинг «сири» нимада? Аввало қудратли техникага кенг йўл очиб берилганлигида, кузги-қишки ишларнинг ўз вақтида ва юқори сифатли ўтказилганлигида ҳамда ғўза парвариши даврида агротехника қоидалари ва мириш-корларнинг узоқ йиллар давомида тўпланган бой тажрибалари асосида иш юритилганлигидадир. Бу оддий ҳақиқатнинг нақадар тўғрилигини ўнлаб хўжаликларнинг шу йилги иш натижалари яққол кўрсатиб турибди.

— Ўтган йили кузда.— дейди Ленинград районидаги «Победа» колхозининг раиси ўртоқ Н. Тўрақулов,— ҳар гектар ерга ўрта ҳисобда 300 килограммдан фосфорни гўнгга аралаштириб солиб, сўнгра 30 сантиметр чуқурликда ҳайдаб қўйган эдик. Кунлар юришиб, ер етилиши билан шудгорни бороналадик, квадрат-уялаб чигит экиб, ернинг ўз намига ундириб олдик. Сугориш, озиқлантириш ва парвариш ҳам жойида бўлди. Натижада гўзалар бақувват ва серҳосил бўлиб ўсди. Салкам икки минг гектар ернинг ҳар гектаридан 28 центнерга етказиб ҳосил кўтарганимизнинг боиси ҳам ана шунда.

Колхоз аъзолари келгуси йили гектаридан 30 центнердан «оқ олтин» кўтаришга бел боғлашди. Улар бундай юқори ҳосилга ҳозирданоқ пухта замин яратяптилар. Шу кунларда дала ишлари конвейер усулида олиб борилмоқда. Бу ишларда бир ярим мингдан кўпроқ колхозчи қатнашяпти. Ерлар пешма-пеш ғўзапоядан тозаланиб, сифатли ҳайдалмоқда.

Поплик машъалларр бу гал ҳам ажойиб ташаббуснинг ижодкорлари бўлишди. Райондаги кўпчилик хўжаликларда дала ишларининг сифатини текширувчи махсус комиссиялар тузилди. Кекса тажрибакорлар ва деҳқончилик илмининг соҳибкорлари — қишлоқ хўжалик мутахассислари юишган бу контроль постлари бракнинг олдини олишда, дала ишларининг юқори сифатли бажарилишини таъминлашда маъмурият ва партия ташкилотлар и га актив ёрдам бермоқдалар.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ келди

Давлатга пахта сотиш планини областда биринчи бўлиб бажариб, тошлоқ ерларнинг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил олган «Москва» колхозининг азаматлари кузги шудгорда ҳам намуна кўрсатдилар. Улар 1551 гектар пахта майдонининг ҳаммасини сифатли шудгорлаб қўйдилар.

ИШ ЎРНИГА ҚУРУҚ ГАП

Илгорлар тажрибаси шуни тасдиқлайдики, чигит экиладиган майдон сифатли шудгор қилинганида ҳосилдорлик камида 18-20 процент ошади. Чунки ернинг устки қавати юмшаб, тупроқ структураси яхшиланиб, унумдорлиги ошади.

Охунбобоев районидаги «Большевик» колхозининг раиси Ганижон Алижонов, агроном Жалолиддин Камолов ўртоқлар олдида бу ҳақда гап очсангиз, улар шудгорлашнинг яна бошқа хосиятларини бир-бирларига гал бермай айтиб беришга ошиқишади. Лекин ҳўжаликдаги ҳақиқий аҳвол билан танишсангиз, бояги сўзлар шу раҳбарларнинг оғзидан чиққанига шубҳаланасиз. Ўжар фактлар ҳам буни яққол кўрсатиб турибди. Умуман бу ерда кейинги икки йилдан буён кузги шудгорлашга панжа орасидан қараб келинмоқда. Шунинг оқибатида бултур давлатга пахта сотиш плани 78 процентда қолиб кетган эди. Аччиқ сабоқдан кейинги йили ҳам тегишли хулоса чиқарилмади. Ваъда қоғозда қола берди, колхоз йиллик планининг 85 процентига етар-етмас пахта тайёрлади. Машина теримни ҳам барбод берилди. Область бўйича ҳар бир агрегат бункеридан ўрта ҳисобда 55 тоннадан пахта тўкилган бир пайтда бу хўжаликда еттита машина билан 190 тонна пахта терилди.

— Шудгорлаш ишлари қандай боряпти?— деб сўрадик колхоз раҳбарларидан.

— Бўляпти, аввал планни бажарайлик, кейин зўр берамиз, — деб жавоб беради агроном Жалол Камолов. Ранс ҳам унинг гапини тасдиқлаб бош иргайди.

Йўқ, раҳбарлар яна ўзларини-ўзлари алдашяпти, 1162 гектар пахта майдонининг катта қисми ҳосилдан тозаланган бўлса ҳам ҳалигача ер ҳайдаш кучайтирилмаётир.

Райондаги «Коммуна», «Оқ олтин», «Ўзбекистон», Жданов номли колхозларда ҳам кузги-қишки ишларнинг аҳволи бундан яхши эмас.

КЕЙИНГИ ПУШАЙМОН...

Олтиариқ районидаги «Ленинград» колхози пахта тайёрлашда областда энг охирги ўринларда қолиб кетди. План бажарилмади. Хатоларнинг тахрорланмаслиги учун ҳозирдан ишни пухта ташкил қилиш, яъни ерларни ўгитлаб, шудгорлаб қўйиш керак. Афсуски, колхоз раиси Қўзибой Пирматов, инженер Топболди Саидов ўртоқлар кузги-қишки ишларни яхши ташкил эта олмаётирлар. Бунга аввало техникани ўз вақтида тайёрлаб қўймаслик сабаб бўлмоқда.

Колхозда 9 та ҳайдов тракторн бор. Шундан 3 таси ҳали ремонтдан чиқарилгани йўқ. Мавсумга тахт қилинган тракторлардан эса 4 таси ишламяпти.

Шу райондаги «Ленинобод» колхозининг раҳбарлари (раиси Й. Болтаев, инженери Т. Ҳайдаров ўртоқлар) боқибеғамликда улардан ҳам ўтиб кетганлар. Бу ерда 9 та ҳайдов тракторининг бештаси ишга яроқсиз. Ремонт қилинди, деб сохта маълумотга тушган тўртта тракторнинг ҳам иккитаси дала юзини кўрмай қантариб қўйилди.

Бундай ачинарли манзарага райондаги бошқа хўжаликларда ҳам дуч келдик. Чунончи, Киров номли, Жданов номли, «Партия XX съезди» колхозларида, «Риштон» совхозининг кўпчилик бўлимларида қар бир трактор билан кунига аранг 3-3,5 гектардан ер ҳайдалмоқда. Шунинг оқибатида районда 34.300 гектар ердан ниҳояти 5900 гектари ҳайдалган.

Техника ремонтига совуққонлик билан қараш шу даражага бориб етганки, 31 та ҳайдов трактори нима сабабдан устахонага келтирилмаганини на хўжалик раҳбарлари ва на «Ўзсельхозтехника» район бирлашмаси ходимлари билишади.

— Нима, колхозма-колхоз юраманми, ремонтталаб тракторни қидириб, — дейди бирлашма бошлиғи ўртоқ В. С. Ким ўзини оқлаб.

Ана шундай сансалорлик эса ишнинг белига тепяпти. Районда 920 та чопиқ трактори бор. Унинг 219 таси устахонага келтирилганича навбат кутиб ётибди.

КОНВЕЙЕРДАН ЮЗ ЎГИРМАНГ

— Бу йил чинакам пахта йили бўлди,— дейди Қува районидаги «Социализм» колхозининг раиси ўртоқ Норматжон Усмонов. — Бор ҳосилни йиғиштириб олиб, ерни шудгорлашга ҳам улгуряпмиз. 12 трактор билан икки сменада ишлаб, кунига 80-85 гектар ерни шудгорлаяпмиз.

Ҳа, бу хўжалик миришкорлари жуда тўғри йўл тутишяпти. Чунки ёгингарчилик бошланиши билан тракторнинг юриши қийинлашади. Ер музлаб қолгандан кейин эса тупроқни юмшатиб бўлмайди.

Аммо Қува районидаги кўпчилик хўжаликларда шундай қилинмаяпти. Карл Маркс номли колхозда шу кеча-кундузда атиги 2 та трактор ишлаяпти. Охунбобоев номли, «Коммуна», Свердлов номли, «Фарғона» колхозларида ҳосили тўла йиғиштириб олинган далалар, бошқа экинлардан бўшаган ерлар кўп бўлишига қарамай, шудгорлаш кечиктирилмоқда.

Кўриниб турибдики, Фарғона областининг бир қанча хўжаликларида келгуси йили мўл ҳосилга ҳозирдан пухта замин яратишга етарли эътибор берилмаяпти. Ҳайдов тракторларининг кўпчилиги ремонтдан чиқарилмаган, бунинг устига, далада ишлаётган тракторлардан ҳам унумли фойдаланилмаётгани кишини ташвишлантиради.

Область партия ва совет ташкилотлари юз берган оғир аҳволни қисқа вақт ичида тузатиш юзасидан шошилинч чоралар кўришмаса, кейин «аттанг» деган билан аҳволни яхшилаб бўлмайди.

А. ОРТИҚОВ,
Қ. ШОДМОНОВ,
«Коммуна» газетасининг ходимлари.
Ҳ. ИБРОҲИМОВ,
А. НАБИХЎЖАЕВ,
«Совет Ўзбекистони»нинг махсус мухбирлари.

ХАЛҚАРО КЕСКИНЛИКНИ ЯНАДА ЮМШАТИШ ВА ҚУРОЛЛАНИШ ПОЙГАСИНИ ЧЕКЛАБ ҚЎЙИШ УЧУН

СОВЕТ ҲУКУМАТИНИНГ МЕМОРАНДУМИ

НЬЮ-ЙОРК, 7 декабрь. (ТАСС). СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико бугун БМТ Бош Ассамблеяси XIX сессиясининг ялпи мажлисида сўзга чиқиб, Совет ҳукуматининг халқаро кескинликни янада юмшатиш ва қуролланиш пойгасини чеклаб қўйиш тадбирлари тўғрисидаги меморандумини Ассамблея муҳокамасига тақдим қилди.

Совет ҳукумати, дейилади меморандумда, ўзининг ташқи сиёсатида тинч-тотув яшаш принципларига амал қилиб, бир қанча тадбирларни жуда яқин фурсат ичида амалга оширш тўғрисида аҳдлашиб олишни таклиф қилади, бу тадбирларнинг амалга оширилиши давлатларни мустаҳкам ва бузилмас тинчлик учун курашнинг янги марраларига олиб чиққан бўлур эди. Меморандум давлатларнинг ҳарбий бюджетларини 10-15 процент қисқартиришни таклиф қилади, бу эса қуролланиш пойгасини кенгайтириш имкониятларини чеклаб қўйган ҳамда экономиканинг тинч тармоқларини ривожлантириш ва халқларнинг фаровонлигини ошириш учун талайгина маблағларни бўшатиб берган бўлур эди.

Ўзгаларнинг территорияларида чет эл қўшинларининг бўлиши давлатлар ўртасидаги муносабатларни согломлаштириш йўлида жиддий гов бўлиб турганлигини назарда тутиб, Совет ҳукумати барча чет эл қўшинларини уларнинг ўз миллий чегаралари доирасига олиб чиқиб кетиш тўғрисида битим тузишни таклиф қилади. Агар ғарб давлатлари ҳам Германия Федератив Республикасидаги ва бошқа мамлакатлардаги ўз қўшинларини қисқартирсалар, дейилади меморандумда, Совет Иттифоқи Германия Демократик Республикаси ва Европадаги бошқа давлатлар территориясида турган ўз қўшинларини қисқартиришга тайёрдир. Совет ҳукуматининг меморандумида ўзгаларнинг территорияларидаги ҳарбий базаларни тугатиш ҳам таклиф қилинади.

Ядро қуролининг даҳшатли вайронгарчилик кучини ва шу қуролнинг тарқатилиши, шу жумладан НАТОнинг кўп томонли ядро кучлари орқали тарқатилиши хатарли оқибатларга сабаб бўлажагини назарда тутиб, Совет Ҳукумати ядро қуролининг тарқатилишига йўл қўймаслик тўғрисида халқаро битим тузишни ҳамда ядро ва термоядро қуролидан фойдаланишни тақиқлаш тўғрисидаги конвенцияни имзолаш учун халқаро конференция чақиришни таклиф қилади. Меморандумда, шунингдек жаҳоннинг айниқса ядро қуроли анча миқдорда жамғариб қўйилган ва ядро конфликтининг пайдо бўлиш хавфи гоят кучли бўлган районларида ядросиз зоналар барпо этиш таклиф қилинади.

Меморандумда бомбардимончи авиацияни йўқотиш тўғрисида, ядро қуролининг ер остидаги синовларини тақиқлаб қўйиш тўғрисида, НАТОда қатнашувчи давлатлар билан Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар ўртасида ҳужум қилмаслик ҳақида пакт тузиш тўғрисида, қўқисдан қилинадиган ҳужумнинг олдини олувчи чоралар кўриш тўғрисида ва давлатлар ихтиёридаги қўшинларнинг умумий сонини қисқартириш тўғрисида бир битимга келиш ҳақидаги таклифлар ҳам илгари сурилади.

Меморандумнинг охирида бундай дейилади: Мазкур тадбирларнинг амалга оширилиши, Совет Иттифоқининг фикрича, ялпи тинчликни мустаҳкамлаш ишига сезиларли ҳисса бўлиб қўшилган ҳамда ёппасига ва батамом қуролсизланиш вазифасини ҳал қилишни яқинлаштирган бўлур эди.

Совет ҳукуматининг халқаро кескинликни янада юмшатиш ва қуролланиш пойгасини чеклаб қўйиш тадбирлари тўғрисидаги меморандуми БМТ Бош Ассамблеясининг ҳужжати сифатида делегатлар ўртасида тарқатилди.

«СЎХ» КАРТОШКАСИ

Олтиариқдаги «Сўх» совхозида бўлганмисиз? Унинг тилингизда эриб кетадиган таъмли картошкасидан татиб кўрганмисиз? Келинг, газетхон ўртоқ «Сўх» совхозида меҳмон бўлинг. Картошка етиштириш бўйича Иттифоқимизга донги кетган бу хўжалигининг ажойиб ишлари билан танишинг.

«Сўх» — Совет Иттифоқидаги энг кўп картошка берадиган совхозлардан. Совхоз азаматлари юбилей йилида фидокорона меҳнат қилиб, картошкадан мўл-кўл ҳосил етиштирдилар. 1643 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 11 тонна ўрнига 12,5 тоннадан картошка йиғиштириб олинди. Эл дастурхонига 21 минг тоннадан эзгў роқ таъмли картошка етказиб берилди.

Совхоз бўйича 26 та бригада йиллик планини муддатидан илгари ошириб бажарди, 10 дан ортиқ бригада эса социалистик мажбуриятини ҳам адо этди. Совхоз бўйича ҳосилдорлик гектар бошига 1963 йилдагига нисбатан 46 центнер кўпайди. Картошкадан келган соф фойда эса 217 минг сўмни ташкил этди.

Картошка топшириш юзасидан давлат планининг ошириб бажарилганлигига кўпгина бўлим ва бригадалар муносиб ҳисса қўшдилар. Масалан, ўртоқ Маҳмуджон Шаҳобов бошқарувчилик қилаётган «Ровон» бўлими 5358 ўрнига 6483 тонна картошка топширди, йиллик планни 121 процент адо этди. Шунингдек, Меҳринисо Ниёзова ҳамда Назирбек Азимбеков ўртоқлар бошқарувчилик қилаётган «Коммуна» ва Максим Горький номли бўлимларнинг ишчилари ҳам планнинг анча ошириб бажарилишига эришдилар.

Совхоз раҳбарлиги (директори Х. Султонов ва партия комитетининг секретари А. Азимов ўртоқлар) шу кунларда барча ишчи ва техника кучини келгуси йил мўл ҳосилига пухта замин яратишга сафарбар этган.

З. МИРОВ.

ХУШХАБАРЛАР

ҚУРУВЧИЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

Самарқанд районидаги 30-қурилиш-ремонт участкасининг аҳил коллективи область коммунал хўжалиги бошқармасидаги қурилиш ташкилотлари орасида биринчи бўлиб йиллик планни бажарди. 450 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиб, белгиланган топшириқ муддатидан бир ярим ой илгари адо этилди. Шу давр ичида участка бинокорлари Тайлоқ участкаси ва Пастдарғомда 31 хонали уй-жой биноси, 40 ўринли ҳаммом, касалхона ва болалар боғчаси каби ўнлаб биноларни қуриб битказиб, фойдаланишга топширдилар.

О. ИБРОҲИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбирлар постининг аъзоси.

ЗАФАР

Фарғона нефть ва газ бирлашмасида газ қазиб чиқариш йиллик плани муддатидан 33 кун илгари бажарилди. Риштон газ конторасининг аҳил коллективи мусобақада карвонбошилик қилмоқда. Риштонлик газчилар ҳозир 1965 йил январь ойининг иккинчи ярми ҳисобига «зангори олов» чиқаришмоқда. Улар йил охиригача пландан ташқари 20 миллион кубометрдан ортиқ арзон ёқилғи етказиб беришади.

Р. СОБИРОВ.

БУХОРО ОБЛАСТИ. Алексей Кадагин бошлиқ монтажчилар бригадаси Ҳамза насос станцияси қурилишида намуна кўрсатиб меҳнат қилмоқда. Бригада смена топшириқларини орттириб бажаряпти. Суратда: бригада аъзоларидан (чапдан ўнгга) Ю. Алексеев, В. Панченко, П. Шишков ва И. Румянцев ўртоқлар.

А. Усмонов фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

БЎЙ ЧЎЗАР УЙЛАР...

Ҳаммамиз кўрганмиз: янги уйга пойдевор қўйишдан аввал қурувчилар минора кранини тиклашга киришиб кетишади. Уй битиши билан уни бузиб, бошқа объектга олиб кетишади. Шундай қилиб кран объектдан-объектга кўчиб юраверади. Ўрнида кўкка бўй чўзган уйлар қолаверади... Эргаш ака Мирсоатов ана шундай кранлардан бирини бошқаради. У эндигина пойдевори қўйилган уйни бўй чўздириб, томини ёпиб бошқасига кўчиб ўтиш ишқивози. Ўн йилдан бери шундай қилади. Шу ўн йил ичида ўз крани билан қанча уйлар қурмади. Чилонзордаги биринчи уйлар... Еттинчи сектордаги панелли уйлар... Ҳадра билан Чорсу ўртасидаги «Гипрогор» институти, китоб растаси бинолари, Марказий универмаг. Ўзкомпартия Марказий Комитетининг янги биноси... Ҳаммасини бирма-бир санаб чиқиш қийин.

Бу ерда гап Эргаш аканинг кўп йил уйлар қурганида эмас, кўп уйлар қурганида кетяпти. бошқа бир кран машинисти ўн беш йилда қилган ишни Эргаш ака ўн йилда қилган бўлса ажаб эмас. У энг яхши кран машинисти сифатида донг таратиб келмоқда. Агар «Главташкентстрой» бўйича шу йилнинг ўн ойи ичида ҳар бир минора кран ўртача 2410 соат ишлаган бўлса, Эргаш аканинг крани 2705 соат ишлади. Қурилиш материалларини қурувчиларга етказиб берди. Шу вақт ичида «Главташкентстрой» бўйича битта минора кранининг меҳнат унумдорлиги ўртача 4123 квадрат метрга тўғри келган бўлса, Эргаш аканинг кранига 6279 квадрат метр, йирик панелли уйлар монтажида эса 12 минг квадрат метр тўғри келди. Бу кўрсаткич «Главленинградстрой»нинг энг илғор кран машинистлари қўлга киритаётган кўрсаткичлардан ҳам юқоридир. Эргаш ака етти йилдан бери ўз кранини капитал ремонтсиз ишлатиб келмоқда.

МЕҲНАТИНГ — ЗЕБУ ЗИЙНАТИНГ

Бундай ажойиб кўрсаткичларга осонликча эришилганмикин? Йўқ. Ҳар ерни орзу қилма, ҳар ерда бор тошу тарозу деганларидек, кранчиликнинг ҳам ўзига яраша машаққатлари, қувончлари бор. Эргаш ака илгари бир неча йил бетончи бўлиб ишлаган эди. Қараса қурилишдаги ҳамма ишлар механизациялашиб кетяпти. Машина механизмларда қурилган уйлар тез битяпти. Эргаш ака ўйланиб қолди. Кран машинисти бўлгиси, уйларни ҳозиргидан тезроқ қургиси келарди. Ниҳоят уни ўқишга юборишди. У ниятига етди — кран машинисти бўлиб ишлай бошлади. Эргаш ака кранини кўз қорачиғидай авайлаб, икир-чикиригача ўрганиб ишлатиб келади. Ишлатганда ҳам беозор ишлатади, унумли ишлатади. Вақтида қарайди, мойлайди. Шунинг учун ҳам машинанинг иш унуми юқори, «тихирлик» қилмайди, бевақт бузилиб қолмайди.

Эргаш ака билан гаплашсангиз у эришган муваффақиятлар сирини осонгина сезиб оласиз.

— Нега бир хил кранлар иш вақтида кўп бекор туриб қолади-я, — деймиз.

— Сабаби битта. Шу кран машинисти машинага бефарқ қарайди. Машина қисмларининг ишдан чиқишига йўл қўяди. Кранни тўғри бошқармайди. Юкни тўғри кўтармайди, тўғри қўймайди. Натижада кран ларров ишдан чиқади-ю, қурувчиларнинг бекор туриб қолишига сабаб бўлади. Кран ишламади дегани ҳозир объект қурилишида иш тўхтади дегани. Шунинг учун машинистнинг масъулияти катта. Шу масъулиятни ҳис қилган машинистнинг иш унуми паст бўлмайди.

Бу ҳақиқатни «Главташкентстрой», «Строймеханизация» трестининг 2- механизация бошқармаси кран машинисти Эргаш ака Мирсоатов бир неча йилдан бери ўз тажрибасида кўриб келяпти. Йилдан-йилга яхши натижаларни қўлга киритяпти. Кўплаб уйлар кўкка бўй чўзяпти. Ҳозиргача у меҳнат унумдорлиги бўйича йиллик топшириқни адо этиб қўйди.

В. ХАЙРОВ,
«Узглавстрой» бош механиги ўринбосари.

БИНОКОРНИНГ НАҚД ИШИ

«Узглавстрой» республика територриал қурилиш бошқармасининг трестлари ва бошқармалари коллективлари саноат, уй-жой ва маданий-маиший бинолар қурилишини кейинги вақтда тезлаштириб юбордилар. Фарғонадаги 8-трест коллективи ва унинг пудратчи ташкилотлари азот ўғитлари заводида аммиак ишлаб чиқарувчи цехлар иккинчи комплексини ҳамда аммиак суви установкасини қуриб тамомлади. Бу билан улар корхонанинг биринчи навбати қурилишини муваффақият билан тугалладилар. Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида ҳам парафин ва инерт газ установкаси ишга туширилди. Олтиариқ нефтни қайта ишлаш заводида крекинг установкаси фойдаланишга топширилди. Қўқондаги ёғ-мой комбинатининг донадор шрот цехи ҳам маҳсулот ишлаб чиқара бошлади. Бу янги қувватни 9-трест бинокорлари қисқа вақтда ишга туширдилар.

Лекин ана шу муваффақиятлар билан бир қаторда чала ётган бир қатор объектлар ҳам бор. Йил охирлаб қолди. Бироқ шу қолган муддатда 348 объект ҳамда янги ишлаб чиқариш қувватлари фойдаланишга топширилиши лозим.

6-қурилиш тресты янги йилгача жуда катта ҳажмдаги ишларни бажариши керак. Бу ташкилот Тошкент областида 39 та объектни қуриб тугаллаши керак. Гулистон шаҳридаги 7-трест коллективи Сирдарё областидаги колхоз ва совхозларда қурилаётган 36 объектда ишларни поёнига етказиши планлаштирилган. Қурилиш ишлари суръатига қараб баҳо бериладиган бўлса, бу йил фойдаланишга топшириладиган объектларда аҳвол оғир эканлигини пайқаш қийин эмас.

Фарғона азот ўғитлари заводи дефолиантлар цехи жуда муҳим халқ хўжалиги аҳамиятига эга бўлган қурилиш объектидир. Бу ерда қурилиш ишлари тугалланай деб қолди. Бироқ ана шу озгина қолган иш ҳам бажарилмаса, янги қувватни фойдаланишга топшириб бўлмайди. Заказчи технология ускуналарини тўла-тўкис етказиб беришга эътибор бермаяпти. Оқибатда дефолиантлар цехи қурилиши чўзилиб кетяпти.

Уй-жой қурилиши планларини бажариш учун юз минг квадрат метр уй-жой майдонини фойдаланишга топшириш талаб этилади. Аммо Нукусдаги 166- ва Урганчдаги 167-трестлар уй-жой бинолари қурилишини арзимаган сабаблар билан чўзиб юбормоқдалар. Ноябрь ойи якунлари шуни кўрсатиб турибдики, бу йил фойдаланишга топшириладиган объектларда ишчи кучлари, моддий-техника ресурслари тўла-тўкис ишга солинмаган. Ўн кунлик ва ойлик қурилиш-монтаж ишлари графиги бажарилмай қоляпти. Кўп ҳолларда бунга пудратчи ташкилотларнинг жон куйдириб ишламаётганлиги сабаб бўлмоқда. Биронта пудратчи ташкилот ҳам ўн кунлик ва ойлик топшириқларни бажараётгани йўқ. «Узсантехгазмонтаж» участкалари уй-жой, болалар муассасалари, касалхоналар — фойдаланишга топшириладиган янги объектларни жуда сусткашлик билан қураётирлар.

«Узтрансспецстрой» тресты Қорақалпоғистондаги шоликорлик совхозларида водопровод тармоқлари қурилишини жонлантириб юбормаяпти. «Қораўзак», «ВЛКСМ 45 йиллиги», «Маданият» совхозларида қуриб битказилган уйлар водопровод тармоқлари ўтказилмаганлиги сабабли фойдаланишга топширилмаётир. Чапаев номли совхозда эса ҳатто сув таъминлаш ускуналари ҳам ўрнатилмаган. «Главсредазспецмонтаж» ташкилотлари қишлоқ қурилишига иккинчи даражали иш деб қарамоқда. «Средазтепломонтажстрой» тресты Андижон, Бухоро ун комбинатлари қурилишларини малакали монтажчилар билан ўз вақтида таъминламай келяпти. Натижада бу йил ишга тушириладиган объектлардаги монтажлаш ишлари чала қолиб кетмоқда.

6-қурилиш тресты (бошқарувчиси ўртоқ С. Омилов) кўпгина объектларга ажратилган капитал маблағларни ўзлаштирмаганлиги сабабли фойдаланишга топширолмаётир. Янгийўл ихтисослаштирилган устахонаси, Калинин районидаги «Узсельхозтехника» механика устахонаси шундай сабаб билан фойдаланишга топширилмай турибди. Бу объектлар қурилиши учун ажратилган маблағ ҳалигача ўзлаштирилмаган.

Пахта тозалаш саноати корхоналаридаги янги қувватларни ишга тушириш ишлари ҳам ўлда-жўлда. Бунинг учун ўн ойлик пудрат ишлари плани бор-йўғи 49,6 процент бажарилганлигини айтиб ўтишнинг ўзи кифоядир. Ўнта қуритиш-тозалаш цехи, саккизта қуритиш цехи, ўнта линтер цехи қуриб битказилиши белгиланган. Ана шу ишларнинг 73 проценти Қорақалпоғистон АССР, Хоразм ва Сирдарё область пахта тозалаш заводларида амалга оширилиши лозим. Афсуски, кадрлар етишмаслиги, лойиҳа-смета ҳужжатлари вақтида етказиб берилмаётганлиги оқибатида янги қувватлар белгиланган муддатларда ишга туширилмай қолмоқда.

Тайёр объектлар —бинокорнинг нақд иши. Уй битгани билан эшиги қурилмаган бўлса бино фойдаланишга топширилмайди. Завод тайёр бўлса-ю, кичкина бир камчилиги бўлса уни ҳам ишга тушириб бўлмайди. Шунинг учун ҳамма ишчи кучлари, моддий-техника ресурсларини бу йил фойдаланишга топшириладиган объектларни барвақт қуриб тамомлашга сафарбар этиш зарур.

Н. НИЗОМОВ,
«Узглавстрой» ишлаб чиқариш-диспетчерлик бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

ОММАБОП БРОШЮРАЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бирлашган нашриёти коммунистик ахлоқ масалаларига доир китобчалар нашр этмоқда. А. Левинанинг «Одамга ғамхўр бўл!», Қ. Муртазоевнинг «Дўстлик катта куч», В. Ефимовнинг «Коммунизм қурувчиларининг маънавий қиёфаси», В. Синициннинг «Коммунистик турмушнинг вужудга келиши», А. Сгибовнинг «Ирода курашда туғилади», В. Карбовскаянинг «Оқ билаклар текинхўр бўлади», Л. Ивановнинг «Ишқ бошқа, ҳавас бошқа» номли китобчалари шулар жумласидандир.

Шоира Музайяна Алавиянинг яқинда нашрдан чиққан «Одамийлик ҳақида» номли брошюрасида катталарга ҳурмат, кичикларга илтифот, садоқат, сабот, матонат, мардлик, дўстлик ва муҳаббат ғоялари талқин этилиб, чин муҳаббат кишини олижаноб қилиши, у дўстлик ва ҳурматдан бунёдга келиши, қалбнинг муқаддас туйғуси экани, муҳаббатни камол топтириш, ёшларни одобли, ахлоқли, ватанга содиқ, инсонга ғамхўр қилиб тарбиялаш ҳақида сўз юритилади.

Бу серияда йилига 12 номда брошюра нашр этилиб, уларда коммунизм қураётган совет кишиларини юксак коммунистик ахлоқ руҳида тарбиялаш масалалари ёритиб берилади.

1965 йили нашр этиладиган китобчалар орасида «Оддийлик ва камтарлик одамни олижаноб қилади», «Коммунизм — совет кишисининг олий мақсади», «Ростгўйлик ва ҳаққонийлик ҳақида», «Ҳаётда ҳамма вақт қаҳрамонлик кўрсатиш мумкин», «Кишида ҳамма нарса гўзал бўлиши керак», «Ҳаётнинг маъноси нимада?», «Коммунистик турмуш учун», «Одам одамга дўст, ўртоқ ва биродар» сингари темалар бор.

Бу китобчаларга ҳамма обуна бўлиши мумкин.

У. МУҲАМЕДОВ.

Оловкор

— Газнинг энг катта запаси шу ерда бўлади! — Шундай деди-ю, ишонч билан картага қизил нуқта қўйди. — Ҳа, бунга ишончим комил, — дея қўшиб қўйди. Шогирдининг иккиланганини сезди шекилли батафсил тушунтира бошлади... Сўнг Галиаҳмет ака деворга осиғлиқ харитага ўгирилиб, турли ранглар билан бўялган геологик кесмаларга нигоҳ ташлади. Ҳар хил даврда пайдо бўлган тоғ жинсларининг қандай чуқурликда ётишини кўрсатадиган ана шу разрезларни чизаман деб ҳали инсон оёғи тегмаган тоғ ва саҳро, ўрмон ва ботқоқликларни озмунча кезганми у. Ана шулар ҳақида эндигина ҳаётга қадам қўяётган ёш геолог Мони Сиддиқовга ҳам ҳикоя қилиб берди. Галиаҳмет ака 28 йилдан бери шу касбда ишлайди.

... Кўз илғамас Қизилқум саҳроси мудроқ уйқуда. Асрлар бўйи «қуш учса қаноти, инсон юрса оёғи куйган» Муборак, Ўрта чўл яйловлари... Бу ерларда инсон боласи умр бўйи қум барханлари оша сув қидирган, иссиқдан тинкаси қуриган. Ажойиб замондошларимиз бу ерларга қадам босиб, унинг бағрига қўл солаётирлар.

... 1961 йил. Муборак чўлида нефть-газ қидирув экспедицияси ташкил этилди. Галиаҳмет Якупов ана шу экспедициянинг бош геологи вазифасига тайинланди.

— Сиз кўриб турган бу кўркам посёлкадан асар ҳам йўқ эди, — дейди Галиаҳмет Якупов, — ҳаммасини ўз қўлимиз билан барпо этишга тўғри келди. Экспедиция энди ташкил этилган вақтлар. Янги кишилар, янги шароит... Айниқса бу ернинг қаттиқ шамоли туриб берса борми, одамни учириб кетаман дейди. Осмондан қум ёғади, атроф сап-сариқ, одам-одамни кўрмайди. Ана шунда одамларни ишга сафарбар қилишга, уларнинг кўнглига йўл топишга тўғри келди. Бу ерга келган кишиларнинг ёши, миллати, касби ҳам ҳар хил. Баъзилари хушчақчақ, баъзилари тажанг. Даставвал, сув проблемасини ҳал қилишга киришдик, — сўзида давом этди геолог,—сўнг...

Галиаҳмет ака оғир шароитда амалга оширилган ишлар ҳақида сўзлар, мен эса нефтчилар посёлкасига боқардим. Қатор тизилган уй-жой бинолари, ошхона, водопровод, спорт майдончалари, клуб, кинотеатр, ясли, мактаб ва бошқа кўркам бинолар кўз ўнгимда намоён бўлиб турибди. Уларни барпо этган ажойиб кишилар, шижоатли комсомол ёшлар ҳақида сўзлаб бераётир Галиаҳмет ака. Техник-механик Елена Климова, пармаловчи Марат Хайруллин, Фикрет Абдураҳмонов, Марс Латипов ва бошқа ёшларнинг номларини ҳурмат билан тилга олар экан, у киши бироз ўйга толди.

Ажабо, нималар ҳақида бош қотирар экан бу киши деган хаёлга бордим, сўнг савол бердим:

— Нефть-газ қидирув ишларининг бориши тўғрисида сўзлаб берсангиз.

— Экспедиция ташкил этилмасдан бурун Шўртепа, Шумак, Хўжаҳайрон, Шўрсой майдонларида қидирув ишлари олиб борилган экан. Лекин бу ерлардаги ишларнинг пала-партиш олиб борилганлиги экспедиция коллективининг бирданига нормал ишлаб кетишига анча халақит берди. Гап шундаки, қудуқ қазийверишган, пул совурилган, аммо кондан дарак бўлмаган.

Ишлаб чиқаришга топширилаётган янги машиналардан унумли фойдаланиш масаласига катта эътибор берилди. Ишлар анча юришиб кетди. Шундан кейин Майманоқ, Майманоққўл, Қултоғ, Помуғ, Изварда ва бошқа бир қанча майдонларда янгидан қидирув-развед ка ишлари бошлаб юборилди. 1961—1964 йилларда Шўртепа, жанубий Муборак, Хўжаҳайрон ва бошқа бир қатор майдонларда катта газ запаслари борлиги аниқланди. Экспедиция геологларининг маълумотларига асосан яқинда «Бухоронефть» бирлашмасига қарашли Муборак нефть-газ кони ташкил этилди.

— Бу жанубий Ўзбекистон нефть-газ қидирув экспедициясининг катта ғалабасидир, — дейди Галиаҳмет ака.

Шу йилнинг бошида Нукус шаҳрида Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг кўчма сессияси бўлиб, унда Якупов ўта чуқурликда нефть ва газ қидириш ишлари олиб боришнинг янги методлари ҳақида илмий доклад қилди, бир қатор муҳим проблемаларни олға сурди.

...Галиаҳмет ака ҳақида батафсил гапириб беролмадим. Ҳар гал Муборак чўлларига борганимда, вишкаларнинг митти чироқларига нигоҳ ташлаганимда кўз ўнгимда беихтиёр шу киши — Галиаҳмет ака гавдаланади.

Р. УРОҚОВ.

ИЛҒОРЛАР—КПСС САФИГА

Асилбек эндигина йигирма тўрт баҳорни бошидан кечирди. Ёш бўлса ҳам у меҳнатда ўзини кўрсатаётган жонкуяр йигитлардан. Асилбек ёшлигиданоқ чўпонликни севарди. У катта бўлгач чўпонликни ўзига касб қилиб олди. Бу йил ҳар юз совлиқдан 160 тадан қўзи, ҳар қўйдан 3.5 килограммдан жун олишга муваффақ бўлди. У бундай ютуққа моҳир, кўпни кўрган чўпонлар тажрибасини ўрганиш, эринмай астойдил меҳнат қилиш туфайли эришди.

«Чимқўрғон» совхозининг учинчи фермасида бош чўпон Асилбек Абдишевни танимаган одам йўқ. Шу кунларда у совлиқларни қочириш кампаниясини муваффақиятли ўтказиш, қишловга керакли ҳамма нарсани ипидан-игнасигача тахт қилиб қўйиш учун астойдил курашмоқда.

— Отаримизда бултур бирорта ҳам мол нобуд бўлмади. Бунинг сабаби шуки, озуқли от ҳоримас деганларидек қиш бўйи қўйларни яхши боқдик. Вақтида ем-хашакни етарли ғамлаб қўйган эдик. Шу сабабли қаҳратон қиш кунларида ҳам қийналиб қолмадик. Бу йил ҳам худди шундай қиляпмиз,— дейди Асилбек.

Асилбек актив жамоатчи ҳамдир. У партиямиз қарорларини амалга ошириш учун астойдил жон куйдиради. Ана шу меҳнатсевар йигит яқинда КПСС сафига қабул қилинди. У коммунист деган улуғ номни оқлаш учун тағин ҳам яхшироқ меҳнат қилмоқда. Келгуси йилда ҳар юз совлиқдан камида 165 тадан қўзи олишга аҳд қилди.

Фориш бошқарма парткоми ишлаб чиқариш илғорларини партия сафига қабул қилишга алоҳида эътибор бермоқда. «Фориш» совхозининг бош чўпони Турғун Жумашев, Акром Сорабеков, ветеринария техники Ашурбек Нодиров, зоотехник Болибек Ўспанов, Киров номли совхоздан пиллачи Бибиражаб Давронова, қурилиш бригадасининг ишчиси Раҳим Исмоилов, «Чимқўрғон» совхозининг шофери Авезхон Йўлдошев сингари илғор кишилар КПСС аъзолигига кандидатликка қабул қилинди. Партия комитети, бошланғич партия ташкилотлари ёш коммунистлар билан ишлашга алоҳида эътибор бермоқдалар.

М. ИКРОМОВ.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИда босилгандан кейин

«ҲОВЛИ ОЛМА, ҚЎШНИ ОЛ»

«Совет Ўзбекистони» газетасининг 1964 йил 29 октябрь сонида ахлоқ темаси рубрикаси остида босилган юқоридаги сарлавҳали танқидий мақоланинг қисқача мазмуни ва Тошкент шаҳар Октябрь район прокуратурасидан олинган жавобни келтирамиз.

Октябрь район, Тинчлик маҳалла, Бобир кўчасидаги хонадонлардан бирида истиқомат қилувчи Икромжон Иноғомжонов спиртли ичимликлар ичиб, қўшниларининг осойишталигини бузади, айрим кишиларга «зўравон»лик кўрсатади. Маҳалла аҳли қаттиқ тартибга чақирса-да, у бундан тегишли хулоса чиқармайди. Утганнинг ўроғига, кетганнинг кетмонига осилишни давом эттиради...

— Текширишда танқидий мақолада келтирилган фактлар тўла тасдиқланди, — дейилади район прокурорудан олинган жавоб хатида, — И. Иноғомжонов устидан жиноий иш қўзғатилиб, тергов тамомланди. Иш очиқ суд мажлисида кўриш учун халқ судига оширилди. А. Раҳимов ва М. Пўлатов орасидаги низо умумий граждандик тартибида халқ судида ҳал қилинади.

«ЯХШИДАН ОТ, ЁМОНДАН ДОД»

«Совет Ўзбекистони» газетасининг шу йил 176-сонида ништар рубрикаси остида босилган танқидий мақолада Чимбой район социал-таъминот бўлимининг ҳисобчиси Юнус Кенжаевнинг кирдикорлари фош этилган эди. Кенжаев пок виждонли, меҳнатсевар кишиларга ручка ўқталиб, қоғозни ўқ қилиб турли тухматлар уюштирди, уларни порахўрлик, тўралик, виждонсизликда айблади. Текширишда у келтирган бирорта факт тасдиқланмади, махсус тузилган комиссия аъзоларининг қимматли вақти бекорга ўтди.

— «Яхшидан от, ёмондан дод» сарлавҳали танқидий мақолада келтирилган фактлар текширишда тўла тасдиқланди,— дейилади Чимбой район прокуратурасидан олинган жавобда. — Юнус Кенжаев ҳисобчилик вазифасидан олиб ташланди.

КОРХОНА КЕНГАЙМОҚДА

Термиз шаҳридаги ғишт заводи илғорлари ҳақида гап очилганида Ж. Қалқонов, О. Жўраев, Ч. Шукуров, Ж. Жавлиев сингари кишиларнинг номи албатта тилга олинади. Улар шаҳарда тикланаётган қурилишлар учун кўплаб сифатли ғиштлар етказиб беришда ибрат бўлишяпти. Ўн бир ойлик план муддатидан аввал бажарилди. Завод коллективи кейинги ўн ойнинг ўзидагина 9 миллиондан ортиқ ғишт ишлаб чиқарди.

Корхона кенгайтириляпти. Янги қуритиш цехи фойдаланишга топширилди. 60 мингта ғишт пишириладиган камера ишга туширилди.

Д. БАРАТОВ.

1965 ЙИЛ ҲИСОБИГА

Урганч сут-ёғ заводи коллективи ажойиб меҳнат ғалабасини қўлга киритди. Коллектив ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш йиллик планини муддатидан қирқ кун олдин бажарди. Маҳсулот таннархини пасайтириш натижасида 16 минг сўмлик фойда кўрилди. Корхона коллективи йил охиригача планга қўшимча 36 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришни мўлжалламоқда.

С. ИБРОҲИМОВ.

АХЛОҚ ТЕМАСИДА

ЯРАШМАГАН ҚИЛИҚ

Ваҳобжон Дадабоев Марҳамат районида чиқадиган «Колхозчилар овози» газетасига бултур баҳордан бери редактор эди. У дастлабки пайтларда ишчанлиги, коллектив билан бамаслаҳат иш тутиши туфайли ходимларга ёқиб қолди. уларнинг ҳурматига сазовор бўлди. Ёш коммунист газетани ўқимишли қилиб чиқариш учун ўзи ҳам жон куйдириб ишлар, бошқа ходимларни ҳам шунга руҳлантирарди.

1963 йилнинг кузида редактор қўққисдан бетоб бўлиб, касалхонада қарийб уч ойча ётди. Редакция ходимлари ундан тез-тез хабар олиб туришди, редакторнинг йўқлигини билинтирмаслик, газетани яхшироқ, қизиқарлироқ қилиб чиқариш учун меҳнатларини сира аяшмади.

Кўп йиллардан буён район газеталарида ишлаб келган тажрибали журналистлардан Соли Мирзаев, Комилжон Фозилов, Қобилжон Айсақов каби ходимлар «Колхозчилар овози»нинг мазмунли бўлиши, вақтида чиқиши учун вақтлари билан ҳисоблашмай меҳнат қилдилар.

— Газетани яхши чиқариш — редакторимизнинг тезроқ соғайиши учун энг яхши ёрдам бўлади, деб ўйлаган эдик.— дейди редакция партбюросининг секретари ўртоқ С. Мирзаев.

Ниҳоят муҳаррир шифо топди. Соғайиб келгач, газеталарни аста-секин кўздан кечира бошлади. Ҳамма: «Редакторимиз мен йўқлигимда ҳам дуруст ишлабсизлар деб, бизларга раҳмат айтса, ажаб эмас» деб ўйлаpди. Лекин Дадабоев ўзи йўқлигида ҳам яхши чиқарилган газеталарни кўриб гайирлиги келганиданми ёки мен ҳеч ким билан алмаштириб бўлмайдиган ходимман деб ўзини катта олганиданми, ҳар қалай, коллективнинг хурматини ҳам, хизматини ҳам пайқамади. Балки буни пайқашни истамади. Аксинча у ҳаммага ўшқириб:

— Ҳамманг талтайиб кетибсанлар, бирортанг ҳам сариқ чақага арзимайсан.— деб тирноқ остидан кир қидира бошлади.

Шу-шу бўлди-ю, шўринг қурғур редактор ўзини коллективга қарши қўйди, тўғри гап ўрнига дўқ қиладиган бўлиб қолди. Бора-бора у кадрларни танлашда ошна-оғайнигарчиликка йўл қўя бошлади. Редакторнинг ўзбошимчалигидан бир шингил: газета техникасидан хабари кам, ўрта маълумотли М. Турғунов редакция масъул секретарлигига тайинланди. Оқибатда газета кўпинча кеч чиқди. унинг безагида нуқсонлар содир бўлди. Ҳолбуки, редакцияда олий маълумотли қобилиятли ёшлар бор эди. Чунончи, университетнинг журналистика бўлимини битириб чиққан коммунист Т. Комилов редакторнинг кўнглига хуш келмагани учунгина корректор бўлиб ишлаяпти.

В. Дадабоев редакциянинг енгил машинасини ўзиники қилиб олди. Бирорта ходим зарур топшириқ билан колхозга бориб келмоқчи бўлиб ундан машина сўраса:

— Кўчада такси бор. Гонарар оласан, наҳотки пулинг бўлмаса...—деб ўшқирaве р д и.

Лекин редакторнинг хунук қилиқлари бу билан ҳам чекланмади. У босмахона бухгалтери Х. Дулатова билан тил бириктириб Г. Комилов деган шахсни редакция секретарлигига, М. Комиловни эса шоферликка тайинлаб, уларнинг маошини икки ойгача ўз кисасига уриб келган. Аслида буларнинг иккови ҳам редакциянинг юзини кўрмаган. Қилмишлари жазосиз қолаётганлигини сезган Дадабоев Андижондан Асакага кўчиб келдим деб кўзбўямачилик билан давлатнинг 357 сўмини ҳамёнга урди.

Марҳамат ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитетининг бюроси В. Дадабоевнинг коммунист номига, журналист номига доғ туширадиган бундай ярамас хатти-ҳаракатларини қаттиқ қоралаб, уни ишдан олиб ташлади. Шу ерга келганда мақолани тугатиш учун нуқта қўйсак бўларди. Лекин бизни тағин бошқа бир нарса афсуслантиради.

Дадабоев отдан тушса ҳам узангидан тушмаяпти. У областдаги баъзи бир ташкилотларга кириб кечагина ўзи билан бирга ишлаган софдил кишилар, редакция ходимлари ҳақида турли бўҳтонларни, ёлғон-яшиқ гапларни тарқатиб юрибди. Газетанинг ҳар бир сонини қўлига олиб тирноқ остидан кир қидиради. «Ҳ»нинг думи чиқмай қолибди», деб шовшув кўтаради, тўс-тўполон қилади.

Ўзини газетхонлар олдида шармандаи-шармисор қилган В. Дадабоев ҳали ҳам ҳар куни, кун оша редакцияга келиб:

— Мен сенларга кимлигимни кўрсатиб қўяман, шошмай туринглар!— деяпти. У кимлигини кўрсатиб қўйди. Наҳотки, бундай кишилар ярашмаган қилиқлари а х л о қ с и з лик эканлигини тушунмасалар, наҳотки ҳеч бўлмаса виждонлари олдида уялмасалар?!

Н. УЛУҒЖОНОВ.
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.



Тошкент трактор-йиғув заводида тракторларни йиғадиган янги конвейер фойдаланишга топширилди. Эндиликда корхонада машина ишлаб чиқариш 15 процент ортди. Суратда: янги конвейер участкаларидан бири.

Р. Шамсиддинов фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

Сиз суратда Андижон область, Избоскан районидаги 8-совхознинг чўчқабоқари ўртоқ С. Қосимовани кўриб турибсиз. У чўчқаларни семиртириш планини ортиғи билан адо этди.

С. Безносов фотоси.

ЧОРВА ҚИШЛОВИНИ НАМУНАЛИ ЎТКАЗАЙЛИК!

Катта синов

Қишнинг ҳам ўзига хос латофати, гўзаллиги бор. Халқимиз уни йилбоши, фаслбоши дейди. Чунки, қиш фаслларни боқади, бутун йил давомида деҳқончилик тақдирини ҳал қилади. Қишда ёғин-сочинли кунлар қанча кўп бўлса, қор қанча қалин тушса, қишлоқ хўжалик экинлари учун шунча фойдали. Шу билан бирга, ёғинли қиш жамоат чорва молларига ҳам жуда катта фойда келтиради, табиий ўтларнинг сероб бўлишига имкон беради, яйловларни яшнатади.

Бироқ, қиш — чорвадорлар учун катта синовдир. Шу фаслда ҳар бош молни нобуд қилмасдан баҳорга олиб чиқиш чорвадор учун қанчадан-қанча қийинчиликлар туғдиради. Бинобарин, қишда чорва молларнинг тақдири ҳал этилади.

Биз кўп йиллик тажрибаларга асосланиб, чорва қишловига ёздан тайёргарлик кўра бошлаймиз. Даставвал, серўт яйловларни танлаймиз ва бу яйловлардаги табиий ўтларни етилтириб, сўнгра ўриб ғарамлаймиз. Бутун ёз ва куз давомида ем-хашак жамғарамиз, чорвачилик биноларини ремонт қиламиз, янгиларини қурамиз. Моллар учун мўл-кўл ем-хашак тайёрлаган чорвадор сира доғда қолмайди, шунинг учун қишнинг ҳар қандай изғирин кунлари ҳам хатарли бўлмайди. Биз бунга амал қилиб, шу йил кузда ўн минг тоннадан зиёдроқ дағал хашак жамғариб қўйдик. Тайёрланган ем-хашак чорва молларга икки йилга етиб ортади.

Қўйларни витаминга бой серўт яйловларда боққан кўпгина чўпонларимиз яхши муваффақиятларга эришмоқдалар. Шербой Бозоров, Қўйли Сувонов, Нормат Қарраев, Зиёд Хусаинов каби илғор чўпонларимиз ҳар йили юз бош совлиқ ҳисобига 140-150 тадан қўзи олиб келмоқдалар. Бизда уларнинг тажрибаси кенг оммалаштирилмоқда. Бу йил неча ўнлаб чўпонлар ҳар юз бош қўйдан 140-145 тадан қўзи олиш учун курашяптилар. Наслчилик заводимиз бўйича эса ҳар юз бош совлиқдан 120 тадан соғлом қўзи топширишга бел боғлаганмиз.

Бунинг учун нималар қиляпмиз? Чорва моллар учун етарли миқдорда ем-хашак жамғарган бўлсакда, бу билан қаноатланиб қолмадик. Бизнинг яйлоқларимизда қўйлар иштаҳа билан ейдиган каррак ўт сероб бўлади. Шунга кўра қўшимча равишда 3 минг тонна каррак жамғариб, қишлов пунктларига ташиб олдик. Бундан ташқари икки йилга етадиган миқдорда концентратлаштирилган озуқа ҳам жамғариб қўйганмиз. Бу озуқа билан асосан ўртадан паст семизликда бўлган ҳамда шу йил кузда уруғлантирилган қўйлар боқилади.

Шу неча-кундузда ўн битта агрегат билан дағал хашакни майдаламоқдамиз. Бу агрегатлар кечаю-кундуз бетиним ишлаб, ҳозиргача икки минг тоннага яқин хашакни майдалаб берди. Майдаланган дағал хашакни қўйлар қишлайдиган пунктлар ёнига ташиб келтирдик. Ҳозир хашак ташишда ўнта автомашина ва саккизта тележка ишлаб турибди. Демак, чорва молларни қишдан семиз ва соғлом олиб чиқиш учун бизда ем-хашак етарли. Галдаги вазифа — қўйларнинг иссиқ қишловини таъминлаш, уларнинг ҳар қандай касалликларга чалинишига йўл қўймаслигидан иборатдир.

Биз буни нима учун алоҳида таъкидлаб ўтяпмиз. Шунинг учунки, январь — қўйлар учун мезон ойи ҳисобланади. Шу ойнинг охирларида совлиқларнинг қўзичоғи уч ойлик бўлиб қолади. Агар эҳтиёт бўлинмаса, қўйлар вақт-вақтида қудуқ сувидан суғориб турилмаса, иссиқ кошарларда сақланмаса, совлиқлар нобуд бўлиши мумкин. Масалан, яхши озуқа бериб боқилган қўй чанқаб муз ялаши ёки қор каппалаши мумкин. Бунда унинг ўпкаси шамоллайди, бола ташлайди, оқибат натижада ҳолсизланиб ўзи ҳам нобуд бўлади. Шундай экан, ҳар бош қўйни кўз қорачиғидек асраш ва уни қишнинг совуқ кунларидан бехатар олиб чиқиш керак. Биз ана шу тадбирларни ҳам илгаридан кўриб қўйганмиз. Чунончи қўйлар қишлайдиган кошарларнинг усти ёпилиб, уларга печкалар ўрнатилган. Печкалар пишиқ ғиштдан қурилган бўлиб, бир марта олов ёқилса, туни бўйи қизиб ётади. Фақат ем-хашакни вақт-вақтида берсак бас. Агар ҳаво илиқ келгудек бўлса, қўйлар яйловга ҳайдалади. Бу вақтда кошарлар тозалаб қўйилади. Бизда мавжуд кошарларнинг ҳаммаси қишга мослаб ремонт қилинган.

Яқинда қўйларни текширишдан ўтказдик. 77 минг бошга яқин қўйнинг 5 проценти ёки 2959 таси ўртача семизликдан паст эканлиги аниқланди. Бу қўйлар махсус отарларга бириктилиб, алоҳида боқиляпти. Уларни ҳам тез орада семиртириб олиш учун барча чораларни кўряпмиз.

Чорвачиликнинг тақдири асосан ем-хашак запасларига боғлиқдир. Ем-хашакни кўпайтириш учун эса яйловларнинг ҳолатини яхшилаб бориш, озуқабоп экинлар экиш ва улардан мўл-кўл ҳосил етиштириш керак. Биз бўм-бўш яйловларда сансоул ва арпа экиб, яхши натижаларга эришяпмиз. Бундан ташқари 350 гектар ерга озуқабоп изень экканмиз. Изень экиладиган майдонлар бу йил яна 700 гектар кенгайтирилди. Бу экин қўйлар учун жуда катта фойда келтирмоқда. Унинг таркибида 5,09 процент оқсил бўлиб, озуқа бирлиги жиҳатидан бедага тенг келади. Бир гектар изень майдонини вужудга келтириш учун 14 сўм-у, 91 тийин сарфланади. Ленин ана шу майдондан неча юзлаб қўй учун озуқа жамғариш мумкин.

Биз яқин 2-3 йил ичида серўт яйловларни ўн минг гектарга етказмоқчимиз. Бунинг учун сервитамин ўтлар уруғини танлаб экиш талаб этилади.

Чорвачиликда меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини камайтириш фермаларнинг механизациялаштирилишига, фан ва илғор тажрибалардан оқилона фойдаланилишига боғлиқ. Бунинг учун ем-хашак майдалашдан тортиб, қўйларни суғоришгача бўлган жараённи тўла механизациялаштириш зарур.

Бу тўғрида конструкторларимизга талабимиз бор. Ҳозир мавжуд бўлган ЗИД-4,5 сув чиқариш машинаси 80-125 метр чуқурликдан сув чиқариб бериш қувватига эга эмас. Бизга эса ана шу чуқурликдаги қудуқлардан сув чиқарувчи машиналар керак.

Чорва қишловининг муваффақиятли ўтиши — чўпонларга боғлиқдир. Шунинг учун ҳам кечаю кундуз яйловларда меҳнат қилаётган чўпонларга қулай шароитлар яратиб бериш, биринчи галда, уларни озиқ-овқат ва қишки уст-бош кийимлар билан таъминлаш лозим. Бизнинг чўпонларимиз қишни бекамукўст кутиб олдилар. Уларга барча шарт-шароитларни муҳайё қилиб берганмиз. Қишга қадам қўйиш олдидан бўлиб ўтган йиғилишларда улар сўзга чиқиб, жамоат чорва молларнинг бирор бошини ҳам нобуд қилмаслик мақсадида бир-бирлари билан мусобақалашмоқдалар.

Совхоз дирекцияси, партия ташкилоти ва ишчилар комитети биргаликда чорва қишловини намунали уюштириш юзасидан тадбирлар белгилаб чиқдик. Ҳар бир фермага, отарга мутахассислар бириктилди. Зооветеринария ходимлари ҳар бош қўйни текширишдан ўтказдилар. Ҳозир касалликка чалинган бирорта ҳам қўй йўқ. Биз чорва қишловининг қандай бораётганлигини ҳар ўн кунликда муҳокама қилиб турамиз. Бутун диққат-эътиборимизни қишловни муваффақиятли ўтказишга қаратамиз.

Н. БАДАЛБОЕВ,
Қашқадарё областидаги «Нишон» давлат наслчилик заводининг директори.

С. НАЗАРОВ,
Наслчилик заводининг бош зоотехниги.

МЕҲНАТ ТАНТАНАСИ

Ўтган шанба куни Ўзбекистоннинг шаҳар ва қишлоқлари ранг-баранг қилиб безатилди. Ҳамма жойда Конституция кунини ҳамда традицион меҳнат байрами — «Пахта байрамининг» бошланишини тантанали нишонладилар.

Республика пойтахтида хушчақчақлик ҳукм сурди. Минглаб кишилар ярим кечагача музика овози тинмаган ишчилар клубларига ва маданият саройларига бордилар. Йиғилганлар олдида санъат усталари ва бадиий ҳаваскорлик қатнашчилари чиқдилар. Ишчилар байрамни меҳнатда эришган ютуқлар билан кутиб олган, пахта далаларида ўзларининг жанговар ишлари билан ўроқ ва болға иттифоқини мустаҳкамлаган ўртоқларини қизғин табрикладилар.

Санъат саройи ўз эшикларини кенг очиб қўйди. Бу ерга келган биринчи томошабинлар Ўзбекистон ва унинг Компартиясининг 40 йиллигига ажойиб совға тайёрлаган бинокорларга самимий ташаккур айтдилар. Улар қарийб икки ярим минг кишини сиғдирадиган кенг томоша залини ҳамда бу бинони мамлакатнинг энг яхши кино ва концерт залларидан бирига айлантирган уникал ускуналардан жуда ҳам қойил қолдилар.

Тошкент областидаги колхоз ва совхозларнинг пахтакорлари байрамни катта қувонч билан ўтказдилар. Калинин районида гектаридан 36 центнердан ҳосил етиштирган илғор «Қизил Ўзбекистон» колхозининг аъзоларига қўшни хўжаликларнинг пахтакорлари меҳмон бўлиб келдилар. Байрам дастурхони олдида қилинган ишлар ва келажакнинг режалари тўғрисида суҳбат бошланди. Анвар Эгамназаров раҳбарлигидаги коммунистик меҳнат бригадаси тўғрисида кўпгина самимий сўзлар айтилди. Бу бригада 160 гектар ерининг ҳар гектаридан 46 центнердан пахта етиштириб, янги йилда янгидан-янги ютуқларга эришиш мақсадида далаларни шудгорлаб қўйган ва яхшилаб ўғитлаган.

Андижон областининг кўпгина колхозларида фахрий меҳмонларнинг Қирғизистон пахтакорлари вакиллари билан учрашувлари бўлди. Бундай тантаналар Хўжаобод, Марҳамат, Қўрғонтепа ва Избосканда — хуллас чегаралар қардош республикаларнинг қишлоқ хўжалик меҳнаткашларини бир-биридан ажратиб қўймаган, балки бирлаштирган ҳамма жойда бўлиб ўтди. Узоқ қирғиз «Коммунизм» колхозида «Пахта байрами» арафасида Ильич чироғлари порлади. Бу колхозга Хўжаободдан электр қуввати берилди. Ўша колхознинг раиси Зуҳрахон Рўзиохунова ўзининг ўзбекистонлик дўстларини самимий табриклади, пахта учун курашда янгидан-янги ютуқларга эришишларини тилади.

Қашқадарё областининг шаҳар ва қишлоқларида ҳам байрам катта қувонч билан ўтди. Қаршида санъат усталари, бадиий ҳаваскорлик қатнашчиларининг концертлари бўлиб ўтди. Шаҳар стадионида оммавий спорт мусобақалари бўлди. Кечқурун чироқлар порлагандан кейин байрамдагидек кийинган-ясанган минглаб кишилар парклар ва майдонларга чиқдилар. Халқ сайили ярим кечагача давом этди.

Сурхондарё областининг Денов, Сариосиё ва Шўрчи районларида байрам, айниқса катта қувонч билан ўтди. Бу районлар давлатга пахта топшириш планини анча ошириб бажарганлар. Ўша куни мўл ҳосил усталари қўшни Тожикистон меҳмонларини кутиб олдилар.

Шўрчи районидаги «Москва» колхози поселкасида қўшиқлар янгради, 400 дан ортиқ оила «Пахта байрами» куни ҳовли тўйини ҳам байрам қилди.

Мирзачўлни ўзлаштирувчиларнинг поселкалари байрам либосини кийди. Ҳамма жойда тантанали йиғилишлар ва митинглар бўлиб ўтди. Энг яхши пахтакорларга, механизаторлар ва мутахассисларга фахрий ёрлиқлар ва қимматбаҳо совғалар топширилди. Бир вақтлар Мирзачўлнинг қақраб ётган чўлларини обод қилиб, эндиликда ўз қўллари билан «оқ олтин» етиштираётган кишилар клублар ва маданият саройларининг залларига келдилар. Халқ театрларининг коллективлари уларга ўз санъатларини намойиш қилдилар. (ЎзТАГ).

БАЛИҚЧИЛАР ЗАФАРИ

Мўйноқ районидаги Калинин номли колхоз аъзолари 12 минг центнер ўрнига 12052 центнер балиқ овлаб, йиллик планни муддатидан илгари ошириб бажардилар. Н. Абдуллаев, С. Файзуллаев, А. Ўтепбергенов ўртоқлар бошлиқ экипажларнинг коллективлари айниқса, яхши натижага эришдилар. Улар балиқ овлаш планини ҳозирнинг ўзидаёқ 113-138 процентдан адо этдилар.

Колхоз аъзолари йил охиригача яна 800 центнер балиқ овлаб давлатга топширишга аҳд қилдилар.

А. ТЎРАБЕКОВ.

ИТАЛИЯ ТААССУРОТЛАРИ

ГАЛИЛЕЙ ВАТАНИ БЎЙЛАБ

Академик Қори Ниёзий яқинда бир группа совет олимлари билан биргаликда Италияда ўтказилган улуғ олим Галилейнинг 400 йиллик юбилейида қатнашди. Биз қуйида Қори Ниёзийнинг Италия ҳақидаги таассуротларини қисқартиб ўқувчиларимизга тақдим этдик.

Қори НИЁЗИЙ.

Жаҳонга шундай катта олимни берган итальян халқи кишилик маданияти ва санъати хазинасига салмоқли ҳисса қўшган. Дунёга донги кетган Микеланжело ва Леонардо да Винчи, Рафаэль ва Браманже каби санъат генийлари, Данте, Петрарка каби шоир ва мутафаккирлар, Жордано Бруно ва Галилей каби олимлар, Марко Поло ва Колумб каби сайёҳлар, Гацци, Верди каби драматург ва композиторлар ана шу итальян халқининг ифтихоридир.

Россия билан Италия орасидаги сиёсий алоқаларнинг илдизлари Киев Руси даврига бориб етади. Петр I давридан бошлаб маданий алоқалар кенгая бошлади. XIX асрнинг биринчи ярмида Италиянинг машҳур халқ қаҳрамони Гарибальди Россияда ва революцион-демократ Герцен Италияда бўлган вақтдан бошлаб иккала мамлакатда ривожланиб бораётган миллий-озодлик ҳаракати бир-бирига муҳим таъсир кўрсатди.

Италиядаги миллий-озодлик ҳаракати Россияда прогрессив кишиларнинг диққатини ҳамма вақт ўзига жалб этган ва улар Гарибальдининг бу йўлда олиб борган қаҳрамонона курашига турли йўллар билан ёрдам берганлар. Италия қабристонларида абадий уйқуда ётган кўпгина рус қаҳрамонлари шу фикримизнинг далилидир. Улар эркесевар итальян халқининг озодлиги учун мардонавор курашиб ҳалок бўлганлар. Шунингдек, 1905 йил рус революцияси ҳам Италия прогрессив арбобларининг диққат марказида бўлиб, улар бу революцион ҳаракатга хайрихоҳлик билдирганлар. Қонли якшанба воқеасидан қаттиқ ғазабланиб, мустабид қонхўрларга лаънатлар ўқиганлар.

Италия ишчилари, барча прогрессив кишилари Октябрь революциясини зўр хурсандчилик билан кутиб олдилар. Бу ҳол иккала мамлакатнинг илмий ва маданий алоқасида янги давр очди. Эндиликда бу алоқалар тобора ривожланиб бормоқда.

* * *

Галилейнинг илмий фаолияти табиий фанлар тараққиётида, айниқса механика, физика ва астрономия соҳаларида янги давр очиб берди. Ҳақиқатан ҳам Коперник яратган гелиоцентрик системанинг ғалаба қилишида Галилейнинг ўйнаган роли, ўзи ясаган телескоп воситаси билан астрономия соҳасида қилган кашфиётлари, жисмнинг тушиш қонунлари каби тадқиқотлари жаҳон фани тарихининг ёрқин саҳифаларидандир.

Галилейнинг ўзи ясаган телескопи ва унинг механика соҳасида экспериментал тадқиқотлар ўтказишда қўлланилган бошқа асбоблари Италиянинг Флоренция шаҳридаги «Фан тарихи» музейида сақланмоқда. Улар, олимнинг моҳир тажрибакорлигидан, гениал тадқиқотчилигидан далолат беради.

Галилей кинематиканинг «тезлик» ва «тезланиш» каби асосий тушунчаларини ва нисбий ҳаракат идеясини биринчи марта олға суриб, механикага оид бирмунча муҳим проблемаларни ҳал қилди. Масалан, Аристотелнинг таълимотига кўра оғир жисмлар Ерга тезроқ, енгил жисмлар секинроқ тушиши лозим. Галилей эса бунинг нотўғрилигини, ҳавонинг қаршилигини истисно қилганда, ҳамма жисмларнинг Ерга бир хил тезликда тушишини исбот қилди.

Шуниси диққатга сазоворки, Галилейдан беш аср муқаддам бу фикрни Беруний ҳам баён қилган эди. Бироқ Галилей бу билан қаноатланиб қолмай, ҳодисанинг яна бир ғоят муҳим томонини, яъни юқоридан пастга озод тушган жисмнинг босган масофасини, унга сарф бўлган вақтнинг квадратига пропорционаллигини аниқлади.

Тўсин эгилган ҳолда, унинг мустаҳкамлик даражасини аниқлаш масаласи умуман техникада, айниқса бинокорликда ғоят муҳим роль ўйнайди. Фан тарихида бу масала биринчи марта Галилей томонидан қўйилди ва унинг тадқиқоти натижасида «материаллар қаршилиги» деб аталган янги фан асоси вужудга келди.

1609 йилда Голландияда дурбин кашф этилганлигини эшитиб, Галилей аввал уч марта ва сўнгра 32 марта катта қилиб кўрсатадиган телескоп ясайди ва унинг ёрдами билан Юпитернинг тўрт йўлдошини, Венера фазаларини, Қуёш доғларини ва Ой сиртининг тузилишини аниқлайди. Бу ерда шуни таъкидлаб ўтиш кераки, коинотни текшириш учун телескопни биринчи марта ишлатган Галилейдир.

Шарқ астрономларининг Галилейгача ўтказган кузатишлари телескопсиз бўлсада, бу соҳада айниқса Улуғбек обсерваториясининг эришилган тарихий муваффақиятлари ўзининг интиҳосига бориб етган эди. Шунинг учун ҳам Улуғбекнинг астрономия мактабидан кейин бевосита телескопик астрономиянинг бошланиши тасодифий бўлмай, балки навбатдаги, қонуний босқичдир.

Ҳақиқатан ҳам, ер юзидаги ҳамма мамлакатларда, жумладан ушбу сатрларнинг автори бориб келган Франция, Япония, Ҳиндистон ва Италияда астроном Улуғбекни билмайдиган олим йўқ, деса бўлади.

Бироқ, XV асрда Ўрта Осиёда ҳукм сурган жаҳолат Улуғбек томонидан яратилган астрономия мактабининг ишини давом эттиришга катта тўсқинлик қилди. Ҳолбуки бу даврда Европа мамлакатлари, айниқса Италия капиталистик ривожланиш йўлига кириб олган эдилар. Капиталистик ишлаб чиқаришнинг ривожланиши эса ўз навбатида табиий фанларнинг ривожланишига боғлиқ бўлган. Галилейнинг ижодий ва илмий кашфиётлари эса бунинг ёрқин ифодасидир.

* * *

Италия — планетамизнинг энг чиройли мамлакатларидан бири бўлиб, уни Ўрта, Лигурия, Тиррен, Ионик ва Адриатик денгизлар ўраб олган. Шунинг учун ҳам бу мамлакатнинг табиати чиройли ва иқлими юмшоқдир. Унинг меъморий ёдгорликлари, расм галереялари ва умуман санъати алоҳида диққатга сазовордир.

Италиянинг шаҳарлари тарихий ва табиий жиҳатдан бир-биридан ажралиб туради. Хусусан Неаполь, Флоренция, Венеция, Рим, Пиза шаҳарлари, қадимий Помпей ва Капри ороли кишини мафтун этади.

Масалан, Неаполь — аҳолиси бир миллион 200 минг кишидан иборат бўлган катта порт шаҳри, Жанубий Италиянинг сиёсий ва иқтисодий марказидир. У, гўзал Неаполитан кўрфазининг соҳилида жойлашган бўлиб, Италиянинг энг чиройли шаҳри саналади. Шаҳарнинг шарқ томонида, тахминан 10 километр масофада баландлиги 1200 метр бўлган машҳур Визувий вулканининг тутунлари кўриниб туради.

Неаполь шаҳри —2,5 минг йил муқаддам греклар томонидан бунёдга келтирилган ва ўз вақтида «Неаполис», яъни «янги шаҳар» деб аталган. Бу ерда антик скульптура ва расм галереяси музейи, «Сан-Карло» опера театри, 1224 йилда барпо этилган университет, турли асрларда вужудга келган ибодатхоналар бор.

Шаҳар ғарб ва шарқ қисмларга бўлинган. Унинг ғарб қисми ўзининг ҳашаматли саройлари, чиройли бинолари, парк ва музейлари билан машҳур бўлиб, бу ерда шаҳар аҳолисининг асосан буржуазия қисми яшайди. Шарқ қисмида эса катта майдон ва кенг кўчалар билан бирга, камбағаллар яшайдиган, на сув, на канализация бўлган тор, ифлос кўча ва маҳаллалар кўзга ташланади.

Неаполга яқин ерда, юқорида айтилган Визувий вулканининг пастида, қадим Италиянинг Помпей шаҳри бўлган. Биринчи асрда Визувий фавқулодда катта куч билан лава отганлиги натижасида бутун шаҳар 8-9 метр қалинликда вулкан жисмлари ва кул остида кўмилиб кетган. XVIII, айниқса XIX асрларда ўтказилган археологик қазилмалар туфайли шаҳарнинг умумий қиёфаси, архитектура ва санъатини рўёбга чиқариш мумкин бўлди. Бу маданият ёдгорлигининг ҳозирги кўриниши усти очиқ табиий музейдан иборат. Ундаги бинолар, кўчалар, уйлар ва уларнинг деворларидаги расмлар, фонтан ва скульптуралар қадимги Помпей халқининг маданиятидан далолат беради.

Капри ороли Неаполитан кўрфазининг жанубий қисмида. Унга катер билан сузиб боришга тўғри келди. Орол остида бир неча гротлар (тоғни тешиб ўтган йўллар) мавжуд бўлиб, уларнинг орасида машҳури «Ложувард грот» саналади. Бу гротдан қайиқ билан сузиб, оролнинг бир томонидан иккинчи томонига ўтганимизда, қизиқ бир табиий ҳодисанинг шоҳиди бўлдик: гротга кун ёруғи тушиши натижасида, сувнинг сиртида сўз билан тасвир этиб бўлмайдиган ложувард ранг пайдо бўлиб, ҳаммани таажжубда қолдирди.

Капри ороли ўсимликка бой бўлиб, Италиянинг бошқа ерларидан ўзининг майдончалари, боғчалари, кичик-кичик узумзорлари, иморатлари билан ажралиб туради. Иқлими ёқимли, гўзал, шифобахш жойдир. Бу ерда улуғ рус ёзувчиси Максим Горький яшаган. 1908 йилда унинг уйида Владимир Ильич бир неча кун меҳмон бўлган. М. Горький турган бу уй ҳозир меҳмонхонага айлантирилган.

Флоренция шаҳри —Италия санъатининг хазинаси, меҳнатсевар халқи талантининг мужассам тимсоли саналади. Унинг ҳашаматли саройлари, майдон ва ибодатхоналари машҳур санъат усталарининг ижодлари билан безатилган. Масалан, Флоренцияга келган ҳар қандай кишининг диққатини Жоми майдонидаги Санта-Мария дель Фьоре исми билан машҳур бўлган ибодатхона ўзига жалб этади. XIV-XV асрлар давомида қурилган бу архитектура ёдгорлигининг гумбази ғоят муаззамдир. Ибодатхона деворларининг сирти ранг-баранг мармарлар билан қопланган бўлиб, улар ажойиб орнамент ташкил этади. Шу майдонда Санта-Мария билан бирликда умумий ансамбль ташкил этган архитектура ёдгорликларидан яна бири — Дантенинг машҳур «Илоҳий комедия»сида зикр қилинган бабтистерия (чўқиниш манзили)дан иборат.

Флоренция ҳукмдорлари бўлган Медичи сулоласининг оилавий мақбараси санъат нуқтаи назаридан диққатга сазовордир. Микеланжелонинг машҳур «Тонг», «Кундуз», «Оқшом», «Тун» деган қабр усти скульптуралари ҳам шу ерда туради.

Флоренциядаги Уффици ва Питти галереяларини, шунингдек, машҳур санъат арбобларининг ижоди, жумладан Рембрант, Рубенс, Веласкес, Ван Дейка ва бошқаларнинг расмлари, Микеланжелонинг скульптуралари безатиб туради.

Симпозиум ўтказилган Италия шаҳарларидан бири — Пиза эди. Галилейнинг болалик йиллари, асосан, шу ерда ўтган, у Пиза мактабида, сўнгра Пиза университетида ўқиган. Бу шаҳар Жоми майдонидаги «Йиқилиб кетаётган минора»си билан айниқса машҳурдир. Баландлиги 54,5 метр бўлган саккиз ошёнли бу архитектура ёдгорлиги XII асрнинг иккинчи ярмида қурилган. Миноранинг замини бўшлигидан, у йилдан йилга оғмоқда. Масалан, XIV асрнинг ўртасида унинг оғмалиги вертикаль ўқига нисбатан 2,1 метр бўлган ҳолда, ҳозирги вақтда 4,8 метрга етган. Сўнгги йилларда бу архитектура ёдгорлигини сақлаб қолиш проектини тузиш мақсадида халқаро конкурс эълон қилинган.

Венеция—Италиянинг шаҳарлари орасида алоҳида ўрин эгаллайди. Бу йирик порт шаҳрида 350 минг киши яшайди. Шуниси характерлики, шаҳар асосан 118 та орол ва 160 та каналдан иборат. Кўприкларнинг сони 400 га етади.

Венециянинг вокзалига келиб тушганимизда, бизларни меҳмонхонага қайиқларда каналлар орқали олиб боришди. Бу шаҳарда асосий транспорт катерлар ва қайиқлардан иборат. Пиёда юриладиган кўчалар ҳам қоронғи, ҳам тор. Шунинг учун ҳам бу кўчаларда машина қатнамайди.

Венециянинг архитектура ёдгорликлари асрлар мобайнида, унинг қудратли республика бўлган даврида вужудга келган. Бу жиҳатдан «вали Марк» майдонидаги IX-XI асрларда қурилган ибодатхона билан IX асрда қурилган дожлар саройи айниқса диққатга сазовордир. «Вали Марк» биноси бешгумбазли бўлиб, у, колонналар, рельефли расмлар, арклар, скульптуралар ва мозаикалар билан безатилган. Дожлар саройи эса ҳашаматли бўлиб, унинг залларида катта фрескалар, Тициан ва бошқа Венеция мактаби рассомларининг ижодлари бор.

Шундай ҳашаматли саройнинг остки қисмини кўрган киши беихтиёр ёқасини ушлаб қолади. Унинг бу қисми харсанг тошлардан ясалган ва камералари қафасдек тор, қоронғи ва зах турмадан иборат. Бу кўриниш ўз вақтида юз берган даҳшатли фожиани тасвир этади: юқорида, ҳашаматли саройда кайфу сафо, остида — турмада эса —оҳ-воҳ!

Италиянинг пойтахти Рим — жаҳоннинг энг қадимий, энг чиройли ва машҳур шаҳарларидан бири. Бу қадим маданият ўчоғи баъзи ҳужжатларга кўра бундан уч минг йил муқаддам Палатин тепалигида вужудга келган. Шаҳарни безатишда Микеланжело, Рафаэль, Браманте, Бернини ва бошқа санъат арбоблари қатнашган.

Римда XVI асрнинг биринчи ярмида ва XVII асрда энг реакцион руҳонийлар (иезуитлар) билан бирликда ҳукмронлик қилган феодал аристократлар учун қурилган ҳашаматли бинолар, дабдабали саройлар, серҳашам ибодатхоналар ва фавқулодда катта томошахоналар ҳамон қад кўтариб турибди.

Юқорида айтилган Палатин тепалигининг пастида тўрт бурчакли катта майдон — форум мавжуд бўлиб, у ўз вақтида Римнинг савдо, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг маркази бўлган. Бу ердаги оқ мармардан ясалган катта ибодатхона, ҳашаматли бинолар, тошдан ясалган колонна ва аркаларнинг вайрона ҳолатдаги қолдиқлари усти очиқ ажойиб музейни ташкил этади.

Форумга яқин жойда машҳур Колизей жойлашган. 50 минг киши яшайдиган бу тўрт ошёнли цирк ғоят ҳашаматли бўлиб, у, биринчи асрда қурилган. Археологик қазилмалар натижасида Колизей остида коридорлар ва уларда йиртқич ҳайвонларни сақлаш учун йўғон темирлардан ясалган қафаслар борлиги аниқланган. Колизей майдонида даҳшатли ва фожиали «томошалар» бўлиб турган: бу ерда қуллар, асирлар ўзаро ёки ваҳший ҳайвонлар билан курашишган.

Римдаги меъморий ёдгорликлар орасида «вали Петр» биноси алоҳида ажралиб туради. Бу бино фақат Римдагина эмас, балки бутун жаҳонда ҳам энг катта ибодатхона саналади. Лойиҳасини Микеланжело тузган бу бино қурилиши юз йилдан ортиқ давом этиб, 1626 йилда тугаган. Уни бунёдга келтиришда Италиянинг энг кўзга кўринган меъморлари ва юзлаб санъат арбоблари меҳнат қилганлар.

Рим марказида Ватикан саройи — католик ибодатхоналар бошлиғининг резиденцияси жойлашган. Территорияси 44 квадрат километр, аҳолиси бир минг кишидан ортиқроқ бўлган бу алоҳида давлатнинг ўз аппарати, масалан суд органлари, турмаси, гвардияси ва пули бор.

Ниҳоят шуни айтиб ўтиш кераки, бу ибодатхоналарнинг ўзи меҳнаткашларнинг пешана тери билан, уларнинг маблағи билан қурилган бўлса ҳам ҳамон меҳнаткашларни алдаш учун хизмат қилиб келмоқда.

Ҳозирги вақтда аҳвол бутунлай бошқача. Ватиканнинг, демак католик ибодатхонанинг таъсири йилдан-йилга заифлашиб бормоқда. Италиянинг биз бўлган ҳамма шаҳарларидаги минглаб киши сиғадиган ҳашаматли ибодатхоналарида ибодат учун очилган соатларда 5-10 кишидан ортиқ кишини кўрмадик! Бу тасодифий эмас, балки ҳаётнинг ўзи олиб келган қонуний ҳодисадир.

Шуниси характерлики, мен бошқа мамлакатлардаги ибодатхоналарда, жумладан Париждаги машҳур Нотр-Дам ибодатхонасида бўлганимда ҳам худди шундай манзарани учратган эдим. Демак, бу ҳодиса замоннинг тақозоси, унинг қонуниятидир.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ОММАВИЙ ИШЛАР ВА ХАТЛАР БЎЛИМИДА

ВИДЕТЕЛЕФОН ХАЛҚ ХИЗМАТИДА

«Ҳурматли редакция! 1963 йилнинг бошларида «Совет Ўзбекистони» газетаси саҳифасида видетелефон ҳақида ахборот ўқиган эдик. Шундан буён орадан икки йилча вақт ўтди. Шу давр ичида Тошкентдан республикамизнинг қайси шаҳарлари билан видетелефон алоқаси ўрнатилди, унинг истиқболи қандай? Шу ҳақда, умуман видетелефон тўғрисида тушунча беришингизни илтимос қиламиз.

Қудрат РАЖАБОВ,
Эҳсон МИРКОМИЛОВ,
Бухоро шаҳри».

Ҳурматли газетхонлар! Сизларнинг бу саволингизга Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги Кабель ва радиореле алоқаси бошқармасининг бош инженери Али Иноятов жавоб беради:

— Видетелефон мамлакатимиз алоқа системасида янги тармоқдир. 1960 йилда Москва — Ленинград — Киев шаҳарлари ўртасида видетелефон алоқаси ўрнатилди. Республикамизда эса алоқанинг бу тури 1963 йил февраль ойида қўллана бошлади. Шу ойда Тошкент — Андижон шаҳарларининг меҳнаткашлари видетелефон орқали гаплашиш имкониятига эга бўлдилар. Май ойига келиб Фарғона шаҳрининг меҳнат аҳли ҳам алоқанинг бу арзон ва қулай туридан баҳраманд бўлди. Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигининг инженер-техник ходимлари 1965 йил январь ойида Тошкент—Самарқанд линиясини фойдаланишга топшириш учун курашмоқдалар. Шундан кейин Тошкент—Бухоро линияси қурилади.

Ҳозир республикамиз пойтахти Тошкентда икки жойда — Марказий телеграф ва Халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси жойлашган «Победа» маданият ва истироҳат боғида видетелефон студияси ишлаб турибди. Ҳар куни неча юзлаб ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар ўз қариндош-уруғлари, ошна-оғайнилари билан мириқиб гаплашмоқдалар. Телефон орқали сўзлашиш яхши, албатта. «Зангори экран»ларда таниш овозни эшитиб, очиқ чеҳраларни кўриш кишига ҳузур бахш этади! Видетелефон орқали сўзлашиш, бамисоли Тошкент телевизион студияси орқали Фрунзе, Олмаота шаҳарларидан берилаётган телевизион эшиттиришларни олиб кўрсатишга ўхшайди. Видетелефонда ҳар куни эрталаб соат 9 дан кеч соат 5 гача гаплашиш мумкин. Шундан кейин линиялар телевизор экранига банд бўлади.

Видетелефон студиясида сўзлашувчилар учун барча қулайликлар яратилган. Тоза ва озода хонага қўшалоқ экран, унинг рўпарасига микрофон ўрнатилган. Суҳбатга ташриф буюрган киши биринчи экранда ўзини, иккинчи экранда эса бошқа шаҳардаги суҳбатдошини кўриб туради. Ҳар икки томон бир-бирининг овозини аниқ эшитади.

Видетелефон ҳаётга тобора кўпроқ сингиб бормоқда, аҳолига маданий хизмат кўрсатмоқда. Бу ўринда айрим мисоллар келтириш мақсадга мувофиқдир. Яқинда Андижон шаҳридаги касалхоналардан бирида даволанаётган беморга медицина консультацияси лозим бўлиб қолди. Бемор студияга таклиф қилинди. Тошкентлик медицина мутахассислари экран орқали беморнинг аҳволини кўздан кечириб анализ қилдилар, уни даволаш йўллари ҳақида маслаҳатлар бердилар.

Тошкентдаги «Победа» маданият ва истироҳат боғида очилган Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида республикамиз саноат корхоналари, қурилиш, транспорт, алоқа ташкилотлари ва муассасалари коллективлари, қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ўтган 40 йил ичида эришган оламшумул-тарихий ғалабалар намойиш қилинмоқда. Виставка стендларига кўргазма учун қўйилган турли буюмлар, маҳсулотлар, ўсиш ва юксалишни кўрсатувчи схема ҳамда диаграммаларни видетелефон орқали бошқа шаҳарларнинг меҳнаткашларига кўрсатиш, фан ютуқлари, прогрессив усуллар ҳақида кўргазмали лекциялар ўқиш, суҳбатлар ўтказиш мумкин.

Марҳамат, видетелефон орқали сўзлашинг!

ҚОЗОҒИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

7 декабрда Олмаотада Қозоғистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум КПСС Марказий Комитети ноябрь (1964 йил) Пленумининг якунларига бағишланди.

Пленум КПСС Марказий Комитети ноябрь (1964 йил) Пленумининг «Саноат ва қишлоқ область, ўлка партия ташкилотларини бирлаштириш тўғрисида»ги қарорини якдиллик билан маъқуллади. Республикадаги 14 областда биттадан область партия ташкилотлари тузилади. Олмаота шаҳар партия комитети ўрнига тикланади. Колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармаларининг партия комитетлари қайта тузилиб, район партия комитетларига айлантирилади. Саноат-ишлаб чиқариш (зона) партия комитетлари тугатилади.

Биттадан область партия ташкилотлари тузилаётган ҳамма областларда шу декабрь ойининг охиригача партия конференциялари ўтказишга қарор қилинди.

Пленумда ташкилий масала ҳам кўрилди. Пленум ўртоқ И. Ю. Юсуповни Қозоғистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари ва Марказий Комитет Президиумининг аъзоси вазифаларидан озод қилди. Ўртоқ Д. А. Қунаев Қозоғистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари қилиб сайланди. Ўртоқ М. С. Соломенцев бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан пленум уни Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари ва Марказий Комитет Президиумининг аъзоси вазифаларидан озод қилди. (ТАСС).

БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИ XIX СЕССИЯСИНИНГ ЯЛПИ МАЖЛИСИДА А. А. ГРОМИКО НУТҚИ

НЬЮ-ЙОРК, 7 декабрь. (ТАСС). СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико айтдики, Совет Иттифоқи БМТ Бош Ассамблеясининг XIX сессиясига ҳам ўзининг тинчликни кўзловчи, халқларнинг мустақил ва эркин ривожланиш ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ленинча сиёсати билан келди. Биз, деди у, халқаро кескинликни юмшатиш учун, халқаро миқёсда ҳамкорлик қилиш ҳамда турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг муносабатларини тинчтотув яшаш принциплари асосида ривожлантириш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг имкониятларидан фойдаланишга тайёрмиз ва ҳамиша тайёр турамерамиз.

А. А. Громико ўз нутқида асосий халқаро проблемаларга тўхталиб, шу проблемаларни ҳал қилмоқ учун БМТнинг ҳамма аъзолари келишиб ҳаракат қилишлари керак, деди. У, сессия қатнашчиларини шу проблемаларни амалий суратда муҳокама қилишга ва ана шу проблемаларни ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқишга чақирди.

Аввало, мисли кўрилмаган қуролланиш пойгаси халқларда ташвиш туғдирмоқда, деб таъкидлади А. А. Громико. Гап мутлақо қуролсизланиш учун объектив имкониятнинг йўқлигида эмас, деб сўзини давом эттирди у, балки гап шундаки, қуролсизланишни истамаётган кучлар ҳали ҳам таъсирчандир. Аммо қурол-яроғлар ишлаб чиқариш орқали бойлик орттириш манфаатларини и н г халқлар ўзини ракета-ядро уруши хатаридан хавфсизлантириб олиш ҳақидаги муддаосидан устун келишига йўл қўйиб бўладими, ахир?

СССР ташқи ишлар министри Ғарб раҳбарларини бу проблемага реалроқ муносабатда бўлишга чақирди. Чинакам қуролсизланиш хусусидаги таклифларга қарши эътироз билдираётган Ғарбдаги давлат арбоблари Совет Иттифоқининг таклифларини яна бир марта қўлларига олиб қараб чиқсинларчи, уларнинг ана шу таклифларга бўлган муносабатини олдиндан нотўғри фикрда бўлиш белгилаб қўймаётганмикан. Энг муҳими — улар шуни обдон чамалаб кўрсинларчи, қуролсизланишдан фақат социалистик мамлакатлар манфаат кўрармикан. Шуни жиддий ўйлаб кўрадиган ҳар бир кишининг қуролсизланишдан барча мамлакатлар, барча халқлар ютиб чиқажагини эътироф этмаслиги мумкин эмас. Қуролсизланиш яқинда озодликка эришган халқларнинг мустамлакачиликдан мерос бўлиб қолган асрий қолоқликни тугатишларига ёрдам беради.

А. А. Громико Совет Иттифоқи ёппасига ва батамом қуролсизланиш тўғрисида аҳдлашиб олишга тайёр турганлигини айтиб, СССР дастлабки кезларда қуролланиш пойгасини ақалли тўхтатиб турадиган, унинг кўламини қисқартирадиган тадбирларнинг амалга оширилишига ҳам тарафдордир, деб таъкидлади. Бундай тадбирларнинг аҳамияти шундаки, улар халқаро кескинликни сусайтиради ҳамда қуролсизланиш учун ва бошқа бартараф этилмаган халқаро проблемаларни ҳал қилиш учун қулайроқ шарт-шароитлар яратиб беради.

А. А. Громико Совет ҳукумати номидан халқаро кескинликни янада юмшатиш ва қуролланиш пойгасини чеклаб қўйиш тадбирлари тўғрисидаги меморандумни Бош Ассамблея муҳокамасига тақдим қилди.

Айни маҳалда у таъкидлаб айтдики, Совет ҳукумати ёппасига ва батамом қуролсизланиш, ядро қуролини тақиқлаш ва йўқ қилиш проблемаларини, шунингдек қуролланиш пойгасини чеклаб қўйиш тадбирларини ҳар қандай форумда ва ҳар қандай даражада, шу жумладан энг юқори даражада муҳокама қилишни давом эттиришда қатнашишга тайёрдир.

Шу муносабат билан А. А. Громико НАТОдаги баъзи етакчи давлатларнинг вакиллари талати иш тутаётганликларига тўхталиб ўтди, улар ядро қуролининг бошқа давлатларга топширилишига қаршимиз ҳамда бундан бўён ядро қуролининг тарқалишига йўл қўймаслик ҳақида аҳдлашиб олишга тобора зўр бериб уринаётганлиги бу проблемани жуда актуал ва аҳамиятли қилиб қўймоқда, деб уқтирди. Совет Иттифоқи, деб сўзини давом эттирди у, НАТОнинг кўп томонли ядро кучларини барпо этиш планларини қоралаб, шуни тамоман очиқ айтмоқдаки, бу планларнинг амалга оширилиши Германиянинг бирлаштирилишини беш баттар мушкуллаштириб қўяди.

А. А. Громико мустамлака мамлакатлар ва халқларга мустақиллик бериш тўғрисидаги БМТнинг машҳур декларациясини эслатиб, халқларни озод қилиш иши ҳали тўла ниҳоясига етказилганича йўқ, деди. Миллион-миллион кишилар ва ўнлаб территориялар ҳамон ажнабийлар ҳукмронлиги остида қолмоқда.

А. А. Громико 1965 йил барча мустамлакачилик режимлари битта қолдирилмай тугатиладиган йил бўлиб қолади ва БМТ Бош Ассамблеясининг келгуси юбилей сессияси ана шу тарихий ишнинг тугалланиши билан нишонланади, деб умид билдирди. У, шунингдек БМТ аъзоларини савдо-сотиқ алоқаларини ва бошқа иқтисодий алоқаларни кучайтириш учун ёрдам беришга чақирди, бу иш халқаро вазиятни яхшилашга ва давлатлар ўртасидаги муносабатларни яхшилашга ижобий таъсир кўрсатади.

А. А. Громико сўнгги бир-бир ярим йил ичида халқаро кескинлик маълум даражада юмшаганлигини айтди. Бироқ у, тинчликни сақлаб қолиш ўзига боғлиқ бўлган халқаро проблемаларни ҳал этиш имконияти йўқ, деган фикрни зўр бериб тарғиб қилувчи кучлар жаҳонда мавжудлигини кўрсатиб ўтди. Бу кучлар маънавий жиҳатдан қуролсизланиш ғояларини илгари суриб, ўз умидсизликлари билан халқларни қандайдир сеҳрлаб қўйишга уринмоқдалар.

Совет ҳукумати бундай концепцияларни қатъиян рад этади, деди А. А. Громико, Совет ҳукумати халқларнинг ўз кучларига бўлган ишончини сусайтиришга, уларнинг халқаро вазиятнинг соғломлаштирилиши ва тинчликнинг мустаҳкамланиши ҳақидаги умидларини пучга чиқаришга қаратилган ҳар қандай уринишларга қарши қатъий кураш олиб боради.

Пировардида А. А. Громико ишонч билдириб айтдики, БМТ Бош Ассамблеясининг XIX сессияси ўзининг самарали иши билан халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, халқларнинг дахлсиз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш ишида янада олға қараб ҳаракат қилишни енгиллаштиради.

ЮГОСЛАВИЯ КОММУНИСТЛАР СОЮЗИНИНГ VIII СЪЕЗДИ

БЕЛГРАД, 7 декабрь. ТАСС мухбирлари **Ю. Корнилов** билан **И. Титов** хабар берадилар: Бугун бу ерда Югославия Коммунистлар союзининг VIII съезди тантанали вазиятда очилди. Съезд ишида бир миллиондан зиёд Югославия коммунистлари армиясининг вакили бўлган 1460 дан ортиқ делегат қатнашмоқда. «Съездга коммунистик ва социалистик партияларнинг, шунингдек турли мамлакатлардаги прогрессив ҳаракатларнинг 30 дан кўпроқ делегацияси келди. Улар орасида КПСС делегацияси, Чехословакия, Польша, Венгрия, Болгария, Руминия, Монголия, Франция, Италия, Ҳиндистон коммунистик ва ишчи партияларининг делегациялари бор.

Эрталабки мажлисда Югославия Коммунистлар союзининг бош секретари Иосип Броз Тито «Бундан буён социалистик муносабатларни вужудга келтиришда Югославия Коммунистлар союзининг роли ҳамда халқаро ишчилар ҳаракатидаги, бутун дунёда тинчлик ва социализм учун курашдаги актуал проблемалар» тўғрисида доклад қилди.

Ҳаводаги жанг

Учувчи Анатолий Шевелев ва Владимир Байдецкийнинг жасорати тўғрисида матбуотда хабар берилган эди. Биз қуйида ана шу ватанпарварларнинг қаҳрамонликлари тўғрисида батафсил ҳикоя қиламиз.

Молдавиянинг жанубидаги Чодир-Лунге шаҳарчасида самолёт учишга тайёргарлик кўраётган эди. Командир Анатолий Шевелев кабинага кирди, иккинчи учувчи Владимир Байдецкий эса пассажирларни кутиб турарди.

— Тезроқ, тезроқ чиқинг, — деди у бамайлихотир келаётган, ўрта ёшлардаги семиз кишига.— Вақтимиз жуда зиқ.

— Нима, бизларга вақт қадрли эмас деб ўйлайсанми,— деди ҳалиги киши қадамини тезлаштирмай,— лекин бу «қанотли кўғирчоғинг» жуда кичик. Унда яйраб кетиб бўлмайди...

Ҳамма ўз ўрнини эгаллади. Самолёт старт майдончасидан ҳавога кўтарилди...

— Ҳув, анави нуқтани кўряпсанми? — деди Шевелев Байдецкийга чаналанс о р н и ншора қилиб. — Уша ерга етгач машинани сен бошқарасан.

— Тушундим.

— Қандай баландликда учаётганимизни аниқ ҳисобга олиб бор.

Анатолий Шевелев етти йилдан буён Молдавиянинг ҳаво йўлларида қатнайди. Владимир Байдецкий эса яқиндагина билим юртини тамомлаган. Бир неча кундан буён Анатолий билан Владимир бирга ишлашмоқда. Улар бир-бирларини ҳали унча яхши билишмайди ҳам...

Рулга Байдецкий ўтирди. Шевелев ёрдамчиси самолётни қандай бошқараётганига қараб турарди. Кабинанинг орқасида эса бу вақт ташвишли воқеалар тайёрланаётган эди.

Чодир-Лунгеда самолётга чиққан икки киши бир-бирининг қулоғига нималарнидир шипширди. Улардан бири чўнтагидан тўппонча ва пичоқ олиб, ўрнидан турди:

— Сизлар нафасларингизни чиқармай ўтиринглар! — дўқ урди ёнида ўтирган икки пассажирга. Самолётда улардан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Чақноқлик билан икки пассажирнинг киссаларини кўрди, қўлтиғигача қўл солди. Пассажирларда қурол-яроғ йўқлигига ишонгач, — энди бошларингни эгиб ўтираверинглар,—деб буйруқ берди.

Семиз киши қўлида тўппонча, пичоқ билан самолёт кабинаси томон бораркан:

— Сен булардан эҳтиёт бўлиб тур,— дея ҳамроҳига буйруқ берди.— Учувчилар билан ўзим гаплашаман...

Самолёт кабинасига тушган сояни кўриб, Шевелев беихтиёр орқасига ўгирилиб қаради. Ҳалиги баҳайбат киши қўлида автомат тўппонча ушлаб, уларга ўқрайиб турарди:

— Ўрнингдан қимирлама!— деди у бўғиқ товуш билан. — Радиони ўчир! Қимирласанг — отаман. Денгиз томон учамиз.

Учувчилар бир-бирига термулишди. Кабинанинг очиқ эшигидан бошини тиззасига қўйиб ўтирган иккита пассажир ҳам кўринib турарди. Уларнинг ёнида бир киши пичоқ ялтиратиб турибди. Учувчилар душман пухта иш тутганини тушунишди.

— Самолётни бир ўзинг бошқар,— деди Байдецкийга йўлтўсар молдован тилида.— Шеригингни эса «бир ёқли» қиламиз.

Байдецкий Шевелев тушунсин учун атайлаб рус тилида жавоб берди:

— Йўқ, сиз унга тегакўрманг. Ҳолимиз хароб бўлади. Мен самолётни бир ўзим яхши бошқара олмайман.

— Нега мунча ваҳима қиласан?— деди Шевелев йўлтўсарга ҳазиллашгандек. — Денгизга учсак учибмиз-да. Айтақол, қайси курс бўйича учайлик?

— Юз эллигинчи...

Чеккани ҳам қўймадинг, — деди Шевелев Байдецкийнинг ўрнига ўтираркан.

— Джо, чеккига келтир, — деб қичқирди «хўжайин» пассажирлар томонга қия ўгирилиб.

Шевелев шу пайт яшин тезлигида масофа компасини ўчирди.

— Ҳа, эсим қурсин, қайси градус бўйича учамиз девдинг?

— Юз эллик.

— Майли.— Анатолий масофа компасининг милларини тегишли бўлинмага тўғрилади. — Қарачи, шундаймикан, розимисан?

— Тўғри. Ҳайдайвер.

— Сен эса бенордан бекорга ваҳима қилиб, шовқин кўтарияпсан. Бизларга ҳам барибир.

Шу пайт кабинага Джо келди:

— Ким чекмоқчи эди, хўжайин?

— Менга бер, бизлар чекамиз,— деди Байдецкий.

— Келишдикми?

— Албатта. Бизлар ҳам жувонмарг бўлиб кетишни истамаймиз.

Учувчилар чекишди. Гўё улар тақдирларига тан бериб, жосусларнинг таклифига кўнишган эди. Бу ҳол жосусларга анча далда берди. Улар кураш тамом бўлди, деб ўйладилар. Лекин чинакам жанг энди бошланаётган эди. Шевелев самолётни Кишинев томон бурди. Байдецкий эса қароқчиларнинг кўнглига қўл солиб, уларнинг режаларини билиб олмоқчи бўлди:

— Сизнинг исмингиз нима? Чиндан ҳам хўжайинмисиз?

— Ҳа, шундай. Ишинг бўлмасин.

— Қаёққа учяпмиз? Энди бўлар иш бўлди, айтаверинг.

— Айтдим-ку, денгизга учамиз, деб.

— Аниқроқ айтинг. Ҳозир айтмасангиз соҳилга етганда шошиб қоламиз.

— Туркияга. Ёқадими? Уша ерда яшаймиз.

Бу пайт Шевелев педални сездирмай босиб, самолётни чапга бурди.

— Ҳа, нима, бу ерда ёмон яшайсизларми?

— Нимаси яхши! Неча йил қамоқда ётиб келдик, энди эса яна гумдон қилишмоқчи...

— Чегарада самолётни отиб туширишмаса яхши бўлардида.

— Ошиғимиз олчи келса ўтиб кетамиз. Бўлмаса, кемага тушганнинг жони бир, ҳаммамиз бирга бўламиз. Бизлар ҳеч нарса йўқотмаймиз...

Шевелев соатга қаради. 60 минут вақт ўтди. Кишинев аэропортига яқинлаб қолишган эди. У Байдецкийга кўз қирини ташлаб, штурвални буради. Самолёт пастлаб бораётганини Байдецкий сезди. Ҳал қилувчи дамлар бошланди. Ойнадан шаҳарнинг чеккаси ҳам кўрина бошлади.

— Ҳўжайин! О, хўжайин! — деб бақирди Джо ҳовлиқиб.— Уйимиз куйди, булар бизни Кишинёвга олиб келишди-ку!

— Ифлос—с-сслар!..

Кабинада ўқ отилди. Шевелевнинг чап қўли синган шохдек осилиб қолди. Самолёт қаттиқ қалқди. Байдецкий Шевелевнинг ўрнига ўтирди.

— Самолётни бур деяпман, — қичқирди «хўжайин».

— Бурмасдан нима қиляпман?— деб жавоб берди Байдецкий қўнишга ҳозирлик кўраркан.

Самолёт ёир кўтарилиб, бир пасайиб, қалқиб борганидан жосуслар оёқда турниша олмай, гоҳ у деворга, гоҳ бу деворга бориб урилардн.

— Аҳ-ҳа, ҳозир таъзирларингни бераман... Джо, қиймалаб ташла буларни!

Анатолий огриқ зўридан тишини-тишига қўйиб, штурвални ўзига тортди.

— Мен сени жаҳаннамга жўнатаман, — «хўжайин» тўппончасини Байдецкийга тўғрилади. Учувчи йўлтўсарга ташланди ва тўппончага қўл чўзди. Шу пайт ўқ узилиб, Владимирнинг чап қўли қип-қизил қонга беланди.

Учувчилар ярадор бўлишсада, самолётни гоҳ паст, гоҳ баланд учириб, йўлтўсарларни йиқитмоқчи бўлишар, кабинада, пассажирлар турадиган хонада ўқ овозлари янграрди.

— Ёриб ташла, бўғ уларни, — деб бақирарди «хўжайин» жон талвасасида.— Мен эса ҳолдан тойдим...

«Хўжайин»нинг югурдаги эмаклаб келиб Шевелевнинг кўкрагига пичоқ санчди.

Шу пайт самолёт тонзорга тушиб ағдарилди. Шевелев ўзининг бутун кучини тўплаб кабинадан чиқди. Унинг орқасидан Байдецкий ҳам пастга тушди. Уларни узум узиб юрган соҳибкорлар ўраб олишди.

Йўлтўсар жосуслар қочишга уриниб кўрдилар. Лекин улар-нинг ўз ҳаракати беҳуда кетди.

Кишинев касалхонасида Шевелевни операция қилган Е. И. Ройбурт ассистенти Васильевага қуйидагиларни ёздирди:

— Уч еридан жароҳатланган. Икки қобирғаси ва бир қўли ишдан чиққан... Елка суяги майдаланган... Иккита ўқ танини тешиб ўтган. Учинчиси эса танада қолган... Тўрт жойига

Самолётдан шуларгина қолди.

мамлакатларга беришдан воз кечишга ҳамда шундай қуролни ҳар қандай давлатдан, шу жумладан ҳарбий иттифоқлар орқали қабул қилиб олишдан воз кечишга чақирди. Акс ҳолда, деди у, ядро қуроли бутун дунёга тарқалиб кетади, шу қурол тарқалган сайин эса тинчлик учун туғиладиган таҳдид ниҳоятда ошиб бораверади.

А. А. Громико Европа хавфсизлигини таъминлаш ва Германия проблемасини тинч бартараф этиш проблемаларига тўхталиб, Германия Федератив Республикасининг реваншчилик даъволари ва ядро қуролини олишга тобора зўр бериб уринаётганлиги бу проблемани жуда актуал ва аҳамиятли қилиб қўймоқда, деб уқтирди. Совет Иттифоқи, деб сўзини давом эттирди у, НАТОнинг кўп томонли ядро кучларини барпо этиш планларини қоралаб, шуни тамоман очиқ айтмоқдаки, бу планларнинг амалга оширилиши Германиянинг бирлаштирилишини беш баттар мушкуллаштириб қўяди.

А. А. Громико мустамлака мамлакатлар ва халқларга мустақиллик бериш тўғрисидаги БМТнинг машҳур декларациясини эслатиб, халқларни озод қилиш иши ҳали тўла ниҳоясига етказилганича йўқ, деди. Миллион-миллион кишилар ва ўнлаб территориялар ҳамон ажнабийлар ҳукмронлиги остида қолмоқда.

А. А. Громико 1965 йил барча мустамлакачилик режимлари битта қолдирилмай тугатиладиган йил бўлиб қолади ва БМТ Бош Ассамблеясининг келгуси юбилей сессияси ана шу тарихий ишнинг тугалланиши билан нишонланади, деб умид билдирди. У, шунингдек БМТ аъзоларини савдо-сотиқ алоқаларини ва бошқа иқтисодий алоқаларни кучайтириш учун ёрдам беришга чақирди, бу иш халқаро вазиятни яхшилашга ва давлатлар ўртасидаги муносабатларни яхшилашга ижобий таъсир кўрсатади.

А. А. Громико сўнгги бир-бир ярим йил ичида халқаро кескинлик маълум даражада юмшаганлигини айтди. Бироқ у, тинчликни сақлаб қолиш ўзига боғлиқ бўлган халқаро проблемаларни ҳал этиш имконияти йўқ, деган фикрни зўр бериб тарғиб қилувчи кучлар жаҳонда мавжудлигини кўрсатиб ўтди. Бу кучлар маънавий жиҳатдан қуролсизланиш ғояларини илгари суриб, ўз умидсизликлари билан халқларни қандайдир сеҳрлаб қўйишга уринмоқдалар.

Совет ҳукумати бундай концепцияларни қатъиян рад этади, деди А. А. Громико, Совет ҳукумати халқларнинг ўз кучларига бўлган ишончини сусайтиришга, уларнинг халқаро вазиятнинг соғломлаштирилиши ва тинчликнинг мустаҳкамланиши ҳақидаги умидларини пучга чиқаришга қаратилган ҳар қандай уринишларга қарши қатъий кураш олиб боради.

Пировардида А. А. Громико ишонч билдириб айтдики, БМТ Бош Ассамблеясининг XIX сессияси ўзининг самарали иши билан халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, халқларнинг дахлсиз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш ишида янада олға қараб ҳаракат қилишни енгиллаштиради.

Чомбенинг каллакесарлари йиртқичлашиб кетмоқда

ЛОНДОН, 7 декабрь. (ТАСС). Жанубий Африка Республикасидан ёлланиб келган ирқчи Моррисон оқ танли келгинди аскарларнинг Конгодаги йирт. қичликларидан гапириб берган. Рейтер агентлиги мухбирининг хабар қилишича, ана шу каллакесар бундай деган: «Биз ярадор бўлган конголик қўзголончиларни отиб ташлаяпмиз... Бундай урушда асир олиб юрмаймиз. Чунки қўзголончиларнинг ҳаммаси мутаассиб кишилардир. Улар чаналанзорларга яширинib олишга улгурмасдан туриб, ҳаммасини қиличдан ўтказяпмиз». «Ўзимизнинг ўйлашимизча, — деб сурбетлик билан сўзини давом эттирган у, — шундай қилиш билан биз раҳмдиллик кўрсатяпмиз».

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

ЭЪЛОНЛАР • ТОМОШАЛАР • РЕКЛАМАЛАР

„ФАН ВА ТУРМУШ“ ЖУРНАЛИГА

1965 ЙИЛ УЧУН ЁЗИЛДИНГИЗМИ?

«Фан ва турмуш» ишчи ва колхозчилар зиёлилар ва ўқувчи ёшларни илм-фан оламидаги янгиликлар ва ажойиботлардан воқиф қилиб турадиган қизиқарли журналдир. Унинг саҳифаларида ўзингизни ҳайрон қолдириб юрган кўп саволларга жавоб топасиз.

Ҳозир бу журналга ёзилишнинг ғанимат пайти. Унга почтахоналарда ҳамда «Союзпечать» бўлимларида қийинчиликсиз ва истаганча обуна бўлиш мумкин. (Обуна баҳоси бир йилга 2 сўм 40 тийин).

Шундан огоҳ бўлингки, ҳозир «Фан ва турмуш»га келгуси йил учун ёзилаётганлар сони тобора кўпаяётганлиги сабабли йилнинг охирига бормай журналга обуна қилиш тўхтатиб қўйилса керак. Бундан ташқари, 1965 йилда «Фан ва турмуш»ни «Союзпечать»нинг савдо шохобчаларидан нақд пулга сотиб олиш деярли мумкин бўлмайди.

ЎЗБЕКИСТОН «ФАН» НАШРИЁТИ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

9 ДЕКАБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — **Уйлаб топ** (ничкинтойлар учун). 18.30 — **Реклама ва эълонлар.** 18.35 — **Телевизион янгиликлар.** 18.50 — **Ҳозирги замоннинг асосий масалалари бўйича телеуниверситет.** 19.10 — **Танга** (А. Мальцев ҳикоялари асосида телефильм). 20.35 — **Адабий чоршанба-лик.**

21.15 — **Эшиттиришлар программаси.**

Ўзбек тилида: 21.20 — **Телевизион янгиликлар.** 21.35 — **Ғалабангиз муборак, самарқандликлар!**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 19.30 — **Баланд тоғда** (болалар учун). 19.45 — **Коммунистик меҳнат кишилари.** 20.05 — **Тошкент янгиликлари.** 20.15 — **Манзарали халқ санъати.**

Рус тилида: 20.40 — **Тошкент янгиликлари.** 20.50 — **Денгиз ҳақида поэма** (бадиий фильм).

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 9/XII да **Хатарли йўл**, 10/XII да **Номус.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА—9/XII да **Жон қизлар**, 10/XII да **Тошболта ошиқ.**

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 10. 13/XII кеч соат 8 да Ўзбекистон ССР ва Туркманистон ССР халқ артисти **Комилжон Отаниёзов** раҳбарлиги ва иштирокида **Хоразм ансамблининг концертлари.** Билетлар сотилмоқда.

ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!
«ПРАВДА» ГАЗЕТАСИГА,
РЕСПУБЛИКА
ГАЗЕТА
ВА ЖУРНАЛЛАРИГА
ҲАМДА ОБЛАСТЬ ВА РАЙОН ГАЗЕТАЛАРИГА
1965 йил учун
ОБУНА ҚИЛИШ ДАВОМ ЭТАДИ
Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигининг «Союзпечать» бошқармаси.

ИШГА ТАКЛИФ

«ГИДРОПРОЕКТ» ИНСТИТУТИНИНГ ЎРТА ОСИЁ БЎЛИМИ

Тошкент шаҳрида ва Тўхтағул, Чорвоқ, Норак ГЭСларида ишлаш учун инженерлар ва техниклар, гидротехни кл а р, электриклар, сантехниклар, архитекторлар, йўл қурувчилар, механиклар, топографлар, геологлар, пармалаш мастерлари, иссиқлик техниклари, сметачилар, тоғ инженерларини

ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Богдан Хмельницкий кўчаси, 20. Кадрлар бўлими, телефон: 52927.

ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ КЕНГАШИ ТОШКЕНТ РЕМОНТ-МЕХАНИКА ЗАВОДИГА

барча мутахассисликлар бўйича слесарлар, монтажчилар, электр пайвандчилар, электр слесарлар, электр монтёрлар, токарлар, фрезерчилар, барча мутахассисликлар бўйича бинокор ишчилар, юк ташувчилар, тракторчилар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Малобешёғоч кўчаси, 91. Телефонлар: 51923, 51442.

КОНИМАНСУР ГЕОЛОГИЯ-РАЗВЕДКА ЭКСПЕДИЦИЯСИГА

биринчи ва иккинчи класс шоферлари, колонкали пармалаш бўйича пармалаш мастерлари, проходчиклар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Адрасман посёлкаси ёки Ленинобод шаҳридаги Конимансур экспедициясининг базаси. Экспедициянинг телефони: 1020. қўшимча — 248.

ТОШКЕНТ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИ

ишлаш мавсумида газ ёқилғиси операторларини

ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Адрес: Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 183. Телефон: 41921.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИГА

Электрик, теплотехник, радист, механик-инженерлар, физиклар, техниклар, электриклар, механиклар, токарлар, слесарлар, пайвандловчилар, старший лаборантлар ва лаборантлар

КЕРАК

Адрес: Тошкент областининг Улуғбек посёлкаси, кадрлар бўлими.

«СПЕЦМОНТАЖСТРОЙ» БОШҚАРМАСИ

Тошкент, Бухоро, Андижон, Сурхондарё, Қашқадарё областларида ва Қорақалпоғистон АССРларида ишлаш учун тажрибали инженер-техник ходимларни

ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Ишга кирувчилар металл конструкцияларини монтаж қилиш бўйича электр ўтказгич ва сантехникани жиҳозлаш бўйича иш стажига эга бўлишлари керак. Шунингдек 4. 5. 6-разрядли слесар-монтажч и л а р, электр-монтажчилар, электр газ пайвандчилар, слесарь сантехниклар керак.

Мурожаат учун адрес: Тошкент области, Юқори Чирчиқ райони, Бектемир посёлкаси, Новая жизнь кўчаси. 27. (Автобус 17 «9-автобаза» остановкаси).

«СРЕДАЗГИПРОВОДХЛОПОК»НИНГ

Ирригация ва мелиорация бўйича лойиҳа-қидирув ва илмий текшириш Ўрта Осиё давлат институти

Тошкент, Қарши ва Янгиер шаҳарларида ишлаш учун инженер-гидротехник ва мелиораторлар, гидрогеологл а р и н, тупроқшунос-мелиораторлари и, бинокорларни, сантехниклар, архитекторлар, топографларни

ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Қарши ва Янгиер шаҳарларида ишга қабул қилинганларга квартира берилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Комсомольская кўчаси, 8. Кадрлар бўлими.

ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚ ХЎЖАЛИК КЕНГАШИНИНГ РАДИО ВА ЭЛЕКТРОТЕХНИК САНОАТИ БОШҚАРМАСИ

Тошкентда ва жойларда ишлаш учун физик, иссиқлик техниклари, электр механик, механик-инженерларни гальваника бўйича химик-инженер, радиомеханик, штампаларни тайёрлаш ва ремонт қилиш бўйича слесарлар, асбобсоз слесарлар, полировкачилар, саноат жиҳозлари бўйича слесарлар, слесарсантехниклар, токарлар, фрезерчилар, пардозловч и л а р, электр монтёрлар, рандаловчилар, асбобчилар, гальваниклар, автокранчилар, шоферлар, газэлектр пайвандчилар ва ишчиларни

ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Фрунзе кўчаси, 27).

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р. 12218. ИНДЕКС — 64543. Н. Б. 284.